Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 90 (5681).
17 АПРЕЛЬ 1985 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Фидокорона меҳнат қилиб, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлангиз! Ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан ўстиришга эришингиз, маҳсулот сифатини яхшиланглиз!

1985 йил планини муваффақиятли бажарайлик, беш йилликни муносиб равишда тугаллайлик!

[КПСС Марказий Комитетининг Май Чақириқларидан].



КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига

20 АПРЕЛЬ—ЛЕНИНЧА КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАЙ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-трестга қарашли 9-қурилиш бошқармасининг Қўчқор Йўлдошев бошлиқ комплекслашган бригадаси аъзолари ҳам КПСС XXVII съезди, Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ҳамда стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ой сайин баракали меҳнат қилмоқдалар.

Коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном эгалари 20 кишидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири учтўрт касбни пухта биладиган тажрибали биноқорлардир. Шунинг учун ҳам, аҳил коллектив якунловчи йилнинг уч ойлик планини 105 процент қилиб уддалади.

Ҳозирги кунда бригада аъзолари пойтахтимизнинг «Марказ—17—18» кварталида 24 квартирали турар жой биносини бунёд этмоқдалар. Мазкур объектни бу йил иккинчи квартал охирида фойдаланишга топшириш планлаштирилган.

Шу кунларда бинонинг иккинчи қаватида йиғма темир-бетон плиталарни монтажлаш, ғишт териш ишлари қизғин давом этмоқда. Бу юмушларни амалга оширишда Сухроб Мирзаев бошлиқ монтажчилар бригадаси аъзоларидан Абдужаббор Ғафуров, Анатолий Чернишев, Қўчқор Йўлдошев етакчилигидаги комплекслашган бригадаси аъзоларидан Эргаш Латипов, Жамолиддин Сулаймонов, Қўчқор Мирхолиқов, Абдулазиз Ортиқов, Вера Асейиновалариннг муносиб хизматлари бор. Улар кунлик нормаларини 1,5 — 2 ҳиссадан адо этиб, ўзаро беллашувда пешқадамлик қилишяпти.

Айни кунларда бунёдкорлар ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун кун сайин суръатни бўшаштирмай фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

ЗАРБДОР ВАХТАДА



Ёш токарь В. Мамадалиев бошлиқ ишлаб чиқариш бригадаси ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили план-топшириқларини муддатидан ярим ой илгари бажаришга эришди. Меҳнатни яхши ташкил қилиш, план ва меҳнат интизомига қатъий риоя этиш бригаданинг ана шундай муваффақиятига эришувини таъминлади.

Бу муваффақиятга бригадирнинг ҳам, албатта, муносиб улуши бор. Чунки слесарлар, токарь ва фрезерчиларнинг катта коллективига етакчилик қилиш ундан жонкуярлик ва зўр ғайратшижоатни талаб этади.

В. Мамадалиев бригадаси социалистик мусобақани авж олдира борib, В. И. Ленин туғилган куннинг 115 ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига бир неча марта ғолиб чиқди.

Ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришганлиги учун В. Мамадалиевга «Авиация бирлашмасининг энг яхши ишлаб чиқариш мастери» фахрли номи берилди.

СУРАТДА: В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадири В. Мамадалиев.

СТУДЕНТЛАР ИШТИРОКИДА

Меҳнат Қизил байроқ орденли Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти ёшлари шу кунларда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига муносиб ҳозирлик кўрмоқдалар.

20 апрелда ўтказиладиган шанбалик куни 3500 студент иштирок этади. Институт студентлари бу куни Стародубцев, Новий путь, Весна кўчаларида, институт ётоқхоналари ва институт атрофида жойлашган 21-болалар боғчасида ҳамма жойни ораста қилишади, ариқларни тозалаб, турли хил мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказадилар.

Институтнинг механика факультети студентлари Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводида ишчиларга яқиндан ёрдам берадилар. Турар жой биналари қурилиши факультети студентлари эса турли хил объектларда бўлиб, самарали юмуш бажаришга аҳд қилишган. Институт студентларининг бу куни ишлаб топган маблағлари беш йиллик фондига ўтказилади.

Д. МАЖИДХЎЖАЕВА.

• *«Еттилар ташаббуси» иштирокчилари йўқламаси*

БИР БЕШ ЙИЛЛИКДА ИККИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҒИНИ БАЖАРИШ УЛАРНИНГ ШИОРИ

МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

Ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажариш бўйича улар бошлаган ташаббус ишлаб чиқариш илғорлари орасида кенг қўллаб-қувватланди. Зотан, Тошкентда меҳнатни интенсивлаш, техникани тўла қувватда ишлатиш учун интилиш шон-шараф нишига айланган меҳнат илғорлари ва новаторлари кўп. Улар резервларни излаш бўйича ўзаро мусобақалашадилар, ҳар бир иш жойида юксак меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми қарор топишига ҳаракат қиладилар.

Дастлаб улар атиги етти нафар: «Подъемник» заводи токари Виктор Бочков, тўқимачилик комбинати тўқувчиси Евгения Губина, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарь-йиғувчиси Назрулла Маннопов, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқувчиси Машкура Қодирова, электрон техника заводи ускуналарни созловчиси Акмал Умаров, «Узбекхлопкомаш» машинасозлик заводи силлиқловчиси Тимофей Игумнов, заргарлик заводи заргари Абдурашид Ғаниевлардан иборат эди.

Шаҳар партия комитети бу ташаббусни маъқуллагандан сўнг Тошкентда илғорларнинг кенг ҳаракати бошланди — кўпгина корхоналар, транспорт ва қурилиш ташкилотларида меҳнат илғорлари «Еттилар ташаббуси»ни қўллаб-қувватлаб, 1981—1985 йилларда икки шахсий беш йиллик планни бажаришга аҳд қилганликларини маълум қилдилар.

Бу кишилар мана беш йилликнинг 51 ойидирки, энг юксак ишлаб чиқариш унумдорлигига эришиш мумкинлигини, меҳнатни юқори даражада интенсивлаш ва рационализациялаш мумкинлигини исботлашяпти. 1981 йилнинг дастлабки ҳафталари рекорди, юксак даражадаги ишчанлик, ижодкорлик, ишнинг пировард натижасидан манфаатдорлик кундалик нормага, мусобақа пешқадамларининг одатига айланди.

Бугун, В.И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллиги ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида беш йиллик зарбдорларининг йўқламасини бошлаяпмиз. Новаторларнинг сўзи билан иши қай даражада мувофиқ? Социалистик мусобақа давомида қандай янгиликлар туғилди?

Шундай қилиб бугунги кунда шонли ҳаракат бошида турган, шунингдек шонли меҳнат рақобати эстафетасини қўлга олиб, янада юқори кўтарганларга сўз берамиз.

БРИГАДИРНИНГ ЕТАКЧИЛИК РОЛИ

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цехи. Бу ердаги йиғув участкасида «Еттилар ташаббуси» иштирокчиларидан бири, беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилган ишчи меҳнат қилади. Бу Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС Марказий ревизия комиссияси аъзоси, слесарь-йиғувчи Назрулла Манноповдир.

Цехнинг ишлаб чиқариш майдони катта корпус остига жойлашган. Бу ерда яқин вақтларда ҳам иккита цех коллективи ишларди. Токарлик, фрезерлик, силлиқлаш ускуналари, программали бошқариладиган станоклар, слесарлик-пайвандлаш ускуналарининг катта парки ишлаб турибди. Цех ўзининг электр печи ва силкитиб мустаҳкамлайдиган стендларига эга. Бир сўз билан айтганда, бутун ишлаб чиқариш ва технология потоги шундай ҳисобланган ва жиҳозланганки, бунда сўнгги маҳсулот тўғри йиғув участкасига боradиган қилинган.

Вақти келиб бу участка бироз тор бўлиб қолди. Самолёт шассисини тайёрлаш — мураккаб ва кўп меҳнат талаб этадиган жараён. Лекин цехнинг ўзи ёруғ, тоза, шифтига катта фонарлар қўйилган. Техник синовлар учун гидравлик стендлар ва шассини йиғиш учун стапеллар билан жиҳозланган. Уларнинг жойлаштирилишида инженерлик тафаккури сезилиб турибди — мосламалар қатъий тартиб асосида қурилган, шассининг айрим деталлари ва узеллари жавонларга тартиб билан таҳлаб қўйилган.

Бу ерда коммунист Назрулла Маннопов бошлиқ илғор, донгдор бригада буюмларни йиғиш, сўнгра техник синовдан ўтказиш билан шуғулланади. Коллектив асосан ёшлардан иборат. Ёшлар эса бор иштиёқлари билан янги техникага интилишади, жадал ишлаб, мураккаб йиғув жараёнларини тез ўзлаштиришади. Ўзларига юклатилган масъулиятни муваффақият билан уддалашади. Наинки, улар пировард ишни бажаришади. Аслида катта коллектив ишини тугаллашади. Цех планининг бажарилиши бевосита шу бригадага боғлиқ.

Бригаданинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқори — бу ерда қарийб ҳар куни план - топшириқлари 137—140 процент бажарилишининг сири ҳам мана шунда.

Бу ютуқларда бригада ветераналари Ориф Комилов, Ҳолмурод Тожимуротов ва бригадир Назрулла Манноповнинг катта ҳиссаси бор. Булар ёшларга кўп йиллик тажрибаларини, илғор иш усуллари ва кўникмаларини ўргатишяпти. Ёшларни ўзларига муносиб ўринбосарлар қилиб тарбиялашяпти.

Жумладан, Назрулла Маннопов мураккаб йиғув ишларини тез ўзлаштирди ва бошқалар билан бир қаторда В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллиги ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган меҳнат вахтасида муваффақиятли иштирок этяпти.

Лекин бригадирнинг хизмати зўр. У ҳамма соҳада шахсий намуна кўрсатади. Смена топшириқларини бажаришдаги унинг виждонийлиги, ғайрати, меҳнатнинг пировард натижалари учун қайғуриши коллективнинг бошқа аъзоларига ҳам ўтаяпти.

Сўзсиз, Назрулла Маннопов билан тенглашиш қийин. У икки кишининг ишини қилади, заводда эса чорак асрдан кўпроқ вақтдан бери меҳнат қилади. Авиация бирлашмасида ўзлаштирилган кўпгина буюмлар унинг моҳир қўлларидан ўтган. У барча техника, асбоб-ускуна ва мосламаларни пухта билади. Катта тажриба ва билимга эга — ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта техник маълумотга эга бўлган. Булар ҳаммаси ишда қўл келяпти. Кун сайин иш суръатини ошириш, энг юксак унумдорликка эришиш имконини беряпти. «Еттилар ташаббуси» иштирокчиси Назрулла Маннопов аллақачоноқ беш йиллик маррасидан ўзиб, ҳозирги кунда 1989 йилнинг октябрь ойи ҳисобига ишлаяпти.

Авиация бирлашмасида Назрулла Маннопов ветераннинг издошлари кўп. Бундай ишчилар у ишлаётган цехида ҳам бор. Ташаббускор изидан келаётган токарлар А. Хмаро ва П. Филиппов ҳам катта марраға яқинлашяпти. Уларнинг меҳнат календарида 1989 йилнинг август ойи давом этяпти. Слесарь Г. Хамзин, фрезерчи Д. Гершман, токарлар А. Ёқубов ва Д. Вильман бугунги кунда 1989 йилнинг июнь—июль ойлари ҳисобига ишлашяпти.

Яратиш ташаббускорлиги, ижодий интилиш, меҳнат қувончи бу кишиларни бир-бирига яқинлаштираяпти. Булар съездолди меҳнат вахтасида туриб, ишлаб чиқаришдаги янги резервларни ишга туширишяпти. Интизомни ва тартибни мустаҳкамлаб, меҳнат суръатини жадаллаштиришяпти. Бу уларга ойлик топшириқни анча ортиғи билан бажаришга ёрдам беряпти.

Яқинда Назрулла Маннопов ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди — у учинчи марта Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат этиб сайланди.

А. КАШАПОВ.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

16 апрель куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди. СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессиясида Палаталарнинг доимий комиссиялари ҳамда депутатлар тақдим этган таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Сўнгра СССР Олий Совети Президиуми Чувашия АССР халқ депутатлари Советларининг шаҳарлар ҳамда саноат марказларида колхоз ва кооператив савдосини ривожлантиришга доир ишлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Президиум СССР қонунлари мажмуасини нашр этишни ниҳоясига етказиш тўғрисидаги ҳамда 1983 — 1985 йилларда СССРнинг қонун актларини ҳамда СССР ҳукуматининг қарорларини тайёрлаш юзасидан СССР Олий Совети Президиуми билан СССР Министрлар Совети тасдиқлаган план қандай амалга оширилаётганлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Президиум мажлисида мамлакат давлат ҳаётининг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ҲАММА—МЕҲНАТ БАЙРАМИГА

16 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ҳ. А. Шоғазатов раислигида Ленинча коммунистик шанбалик ўтказувчи республика штабининг мажлисида корхоналар, қурилишлар, агросаноат комплекси тармоқларининг умумхалқ меҳнат байрамига тайёрлиги, шунингдек «Қизил шанбалик» қатнашчиларига савдо ва медицина хизмати кўрсатишга тайёргарликнинг бориши масалалари кўриб чиқилди.

Республиканинг барча томонларида меҳнат коллективлари 20 апрелни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш билан нишонлаш, смена топшириқларини ошириб бажариш, ўнлаб миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан унинг катта қисмини тежалган ресурслар ҳисобига ишлаб чиқариш ниятидадирлар. Қурувчилар шу куни бир минг квадрат метр уй-жой, янги болалар боғчалари, социал-маиший ва маданий объектларни фойдаланишга топшириш учун ҳозирлик кўрмоқдалар. Республика далаларида кенг кўламда кўкламги ишлоқ хўжалик ишларини бажариш мўлжалланмоқда.

Штаб мажлисида шанбаликни юксак ғоявий ва ташкилий савияда ўтказиш зарурлиги уқтириб ўтилди. Меҳнат байрамининг барча қатнашчилари материаллар, асбоб-ускуналар, инвентарлар ва иш билан таъминланишига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. Социалистик мусобақанинг ошкоралигини, унинг кенг қулоч ёйдирилишини таъминлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш лозим. Савдо ва медицина ходимлари меҳнат байрами қатнашчиларига зарур даражада хизмат қиладилар.

(ЎзТАГ).

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИБ

СССР ва ГДР иқтисодчилари комиссияси 16 апрель куни Тошкентда очилган X мажлисида ҳозирги босқичда экономикани бошқариш, планлаштириш системасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинмоқда.

Иккала мамлакатнинг таниқли олимлари тажрибаларини баҳам кўрадилар, биргаликда қилинган ишларни якунлайдилар, саноат, қишлоқ хўжалиги турли тармоқларини ривожлантиришнинг актуал иқтисодий проблемаларини кўриб чиқадилар.

— Бизнинг мамлакатимизда ҳам, СССРда ҳам халқ хўжалиги интенсив ривожланиш изига кўчирилаётганлиги экономикани планли бошқаришнинг энг самарали йўлларини биргаликда кидиришни тақозо этади, — деди ГДР делегациясининг раҳбари, ГБСП Марказий Комитети ҳузуридаги Социалистик хўжаликни бошқариш марказий институтининг директори, академик Хельмут Коциолек. — Учрашувимиз Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида ўтаётганлиги диққатга сазовордир. Совет халқи гитлеризмни тор-мор қилишга, менинг ватанимни озод этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшибгина қолмади, шу билан бирга унинг уруш оқибатида вайрон бўлган экономикасини қисқа муддатларда қайта тиклашга ёрдам ҳам берди. Совет Иттифоқининг социалистик қурилиш тажрибаси биз учун йўлчи юлдуз бўлиб қолди. Йиллар ўтиши билан мамлакатларимиз иқтисодчи олимларининг ҳам дўстлиги мустаҳкамланди. Ҳозир самарали ҳамкорлигимиз кўп соҳалар бўйича ривожланмоқда. Тошкентдаги учрашув бу ҳамкорликка янги омил бахш этишига ишончим комил.

[ЎзТАГ].

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг уч минг кишидан зиёд коллективи 20 апрелда бўладиган ленинча коммунистик шанбаликда ишлатилиши лозим бўлган барча техника воситалари ва материалларни шайлаб қўйди. Бирлашма меҳнат аҳли тежаб қолинган 20 минг киловатт-соат электр қуввати эвазига маҳсулот тайёрлайди. Ишчи ва хизматчилар 1650 сўм пулни беш йиллик фондига ўтказадилар. Ана шу куни бу ерга корхонанинг ветераналари келиб, шогирдлари билан шанбаликка файз киритадилар.

●

XVI асрнинг архитектура ансамбли — Кўкалдош мадрасасининг иккинчи қаватини таъмирлаш ишларини бошландн. «Меъмор» республика илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари бу ерда катта ишларни бажаришга киришдилар. К. Усмонов, А. Раҳимов, Д. Трусенков раҳбарлик қилаётган моҳир усталар иккинчи қаватнинг томини монтаж қиладилар.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 8 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 4—6, эртага кундузи 17—19 даража иссиқ бўлади.

ФУТБОЛ

«ЛОКОМОТИВ» — «ПАХТАКОР» — 0:2

Кеча футбол бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лига коллективларн учинчи тур учрашувларини ўтказишди. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Москвада «Локомотив» футболчилари билан беллашиб, 2:0 ҳисобида зафар қучди. Тўпларни пахтакорчилардан Шквирин ва Макаров киритди. Шарқий зонадаги бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Кузбасс» — МАСК — 1:0; «Шинник» — «Звезда» — 1:1.

• ЛУҚМА

ШАҲАР ЎРТАСИДАГИ ХАНДАҚ

ЕКИ ШОТА РУСТАВЕЛИ КЎЧАСИДАГИ КОММУНИКАЦИОН КОЛЛЕКТОР ҚУРИЛИШИНИНГ АЧЧИҚ ИЧАКДАЙ ЧЎЗИЛИБ АХЛАТХОНАГА АЙЛАНГАНИ ХУСУСИДА

«Россия» меҳмонхонаси олдидаги сўнгги бекатгача қазилган хандақ бўйлаб трамвай вагони соатига уч километр тезликда юриб борди. Йўловчилар эса катта қизиқиш билан ойнадан бўйларини чўзиб, хандақнинг таг-тубигача боқишди. Хандақнинг кўпгина жойларн эса ахлат билан тўлиб ётарди.

Афсуски, бу қурилиш объектининг нима эканлигини тасвирловчи техник «паспорти» йўқ. Шу туфайли бу ердан ўтган-кетганлар бир-бирига топишмоқ айтишади: «Ким нима қуряпти, қачон бошланган, қачон ниҳоясига етказилади!» Қани топиб кўринг-чи! Гоҳида бу топишмоқни билолмай шаҳар бекатига тўғри келади. Қурилиш майдони эгаларн ўз объектларининг номини унутган бўлсалар, мана биз уни ўқувчиларга маълум қиламиз. Бу ердаги коллекторни реконструкция қилиш учун 1984 йили Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли «Ташнижстрой» трестининг 10-қурилиш бошқармаси раҳбарлари қўлига ордер тутқазган эди. Коллекторнинг узунлиги қарийб 4,2 километр. Смета баҳоси деярли 5 миллион сўмлик. Қурилиш норматив муддати ҳам аниқ: икки ярим йил. Бу вақт мобайнида бемалол тайгагача коллектор ётқизиб бориш мумкин. Энг оғир уруш йилларида 45 кун мобайнида қазилган узунлиги 270 километрли катта Фарғона каналини эслайлик. Бу ҳам майли. Аср қурилиши — БАМни олайлик. Саноқли йилларда поёнига етказилди.

Кўп йиллар давомида қурилиш норматив муддатларини аниқлаган тегишли ташкилотлар коллектор қурилиши мураккаб шароитларда олиб борилишини ҳисобга олишлари керак эди. Табиийки, бу албатта, транспорт ҳаракатини қийинлаштиради. Бунинг нечоғлик ҳақиқатга тўғри келаётганлигини ҳозирда кўриш мумкин. Шунисн ажабланарлики, Фрунзе район партия комитети (секретарь С. А. Хўжаева) ва район Совети ижроия комитети (раисн П. Ш. Шермуҳамедов) қурилишининг мавжуд аҳволига бефарқ қараб келмоқда.

Шаҳарнинг энг йирик ва сергавжум магистралларидан бири — Шота Руставели кўчаси мана узоқ вақт мобайнида, қарийб йил давомида ярим бекиқ ҳолда ётибди. Трамвай йўлини кесиб ўтиш туфайли автомобиль транспортн бу ерда гов ҳосил қилмоқда. «Россия» меҳмонхонасидан театр майдонигача троллейбус маршрутларн ҳам айланиб ўтмоқда.

«Ташнижстрой» трестининг (бошқарувчиси В. Леонов) 10-қурилиш бошқармаси (бошлиғи А. Абдуқодиров) минг афсуслар бўлсинки, ҳатто объектни тўсиб қўйишни ҳам ўйламадн. Бу «имконият»дан шу атрофдаги уйларда яшовчи «ялқов» кишилар хандақни ахлатхонага айлантирдилар. Бунинг олдини олиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмадн. Бунга эса ободонлаштириш Бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Советн ижроия комитетн, «Автодормехбаза»дагилар қўл қовуштириб турмоқдалар.

Коллектор трассасини лойиҳалаштириш даврида архитектура-планлаштириш Бош бошқармасн (бошлиқ ўринбосарн Л. Т. Адамов)да турли келишмовчиликларга йўл қўймлдн, бу эса ҳозирда қурилиш ишларининг ўлда-жўлда қолишига сабаб бўлмоқда.

Бу иш билан машғул бўлган шаҳарнинг барча ташкилотларн, энг аввало Фрунзе районининг партия ва совет органларн раҳбарларн бу муҳим масаланн ҳал этишга бўлган муносабатини қайта кўриб чиқишларн лозим. Барча чораларни кўриш керакки, натижада Шота Руставели кўчасида транспорт ҳаракатн бир маромда йўлга қўйилсин, у ўзининг аввалги кўринишига эга бўлсин.

Афсуски, бундай хандақлар тўғрисидаги хангомалар ягона эмас. Бундай туя гўштн еган объектлар шаҳарда анчагина. Ҳар бир районда қазиб ташланган хандақлар, афтангорн бузилган хиёбонлар мавжуд. Бу ташландиқ қурилишларнинг эгаларини топиш учун бир кун эмас, балки бир неча кун сарф этиш мумкин. Аниқланган эса ўз-ўзидан айбни бир-бирига ағдариш бошланади. Буюртмачи айбни бош пудратчига, у эса ёрдамчи пудратчига ва ҳоказо.

...Шота Руставели кўчасидаги «Россия» меҳмонхонаси олдидан трамвайлар тошбақа юришда давом этмоқда. Машиналарнинг айланиб ўтувчи йўли Сапёрлар майдони томон суриляб бормоқда.

В. ЭНКЕР.



СУРАТДА: Шота Руставели кўчасида қурилаётган коллектор участкаси бугунги кунда худди шундай манзара кашф этган.

ЎҚУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА ШАҲАР СОВЕТИДА

Меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими бўйича шаҳар советининг Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети иккинчи секретари К. П. Дудин раислигидаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда иқтисодий таълимнинг бориши билан боғлиқ бир қатор масалалар қараб чиқилди. Тажриба умумлаштирилди, жойларда иқтисодий ўқувни такомиллаштириш, пропагандистлар иши, меҳнат коллективларида янги иқтисодий тафаккурни шакллантириш бўйича тўпланган тажриба умумлаштирилди. Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрининг ўринбосари В. Клеблеев КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқуви ва тарбиялашни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги корхоналари ва ташкилотларида иқтисодий таълимнинг аҳволи тўғрисида гапирди. Трестларда ва қурилиш-монтаж бошқармаларида мактаблар ташкил этилди, министрлик аппаратида, 93-махсус қурилиш трестида, «Ташсантехгазмонтаж» трестида, «Узэлектромонтаж»нинг 2-монтаж бошқармасида, «Тепломонтаж»нинг қурилиш-монтаж бошқармаси, санитария-техника ускуналари заводида ва бошқа бўлинмаларда уларнинг состави тасдиқланди, пропагандистлар белгиланди, ўқув учун масъул кишилар белгиланди, мактаблар ва семинарларда бир қатор машғулотлар ўтказилди.

Бироқ, мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ташкилотларида, айниқса, иқтисодий ўқув машғулотларида анчагина нуқсонлар бор. Советлар бу ерда ўқувнинг методик марказига айланмаган. Пропагандистлар учун қўлланма ва тавсияномалар тайёрланмайди, бўлинмаларда ўқув аҳволи яхши ўрганилмайди.

«Узпромвентиляция» трестида, «Узэлектромонтаж»нинг 2-монтаж бошқармасида, министрлик автобазасида ва бошқаларда советнинг иш плани тузилмайди, унинг мажлислари ўтказилмайди. Шаҳар совети аъзоси, ТошПИ сиёсий иқтисод кафедраси доценти Е. Боголюбова таъкидлаб ўтганидек, кўпгина бўлинмаларда мактабларда меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси ҳисобга олинмай комплектлаштирилган, машғулотлар яхши ўтказилмайди, кўргазмали қуроллардан, техник воситалардан кам фойдаланилади. Илғор ишлаб чиқариш тажрибалари дуруст пропаганда қилинмайди, тингловчилар иқтисод ва тежамкорликнинг шахсий ҳисобларини олиб боришмайди. Пропагандистларнинг шахсий ижодий планлари йўқ, бу ерда иқтисодий таълимнинг кабинетлари ва бурчаклари ташкил этилмаган.

Партбюро (секретари П. Сулаймонов) бу ишни ўз ҳолига ташлаб қўйган.

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонаси совети иш тажрибасини муҳокама қилинганда ҳам иқтисодий таълим системасида ишлаб чиқариш, илмий-техника қувватларидан фойдаланиш, хўжалиқда илғор тажрибадан фойдаланишда (докладчи бирлашма НОТ бюроси бошлиғи Н. Валиева) бирлашма совети ишида анчагина нуқсонлар аниқланди. Шу билан бирга мажлис қатнашчилари шуни таъкидлаб ўтишдики, «Ташкентказбель» заводида сўнгги пайтда бирлашма хўжалиқ юритишнинг янги шарт-шароитлари — иқтисодий экспериментга ўтиши муносабати билан мактабнинг иши активлашди, иқтисодий таълим мактабларида машғулотлар ишлаб чиқариш, илмий-техника қувватларидан самарали фойдаланиш ва хўжалиқ юритишнинг илғор тажрибасини жорий этишнинг аниқ вазифаларига яқинлаштирилди.

«Ўзбекистон» сунъий ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмасидаги мактаблар ва семинарларнинг раҳбарлари, совет ишида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш учун курашда анча тажриба тўпланди, деб таъкидлади бирлашма бош инженери В. Казюкин.

Мактабларнинг раҳбарлари социалистик экономика қурсини ўрганиш жараёнида. ги машғулотларда корхоналар, цехлар, участкалар иқтисодий кўрсаткичлари аҳволини, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш проблемаларини мунтазам таҳлил қилиб борадилар, КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида ҳар бир иш жойида уюшқоқлик ва тартибни йўлга қўйишда тингловчиларнинг активлигини анализ қилишади.

Бироқ шаҳар совети мажлисида, жумладан, тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба союзи область комитети секретари Е. Жучкованинг нутқида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, агар пропагандистлар, мактабларнинг раҳбарлари меҳнат қонунчилиги бузилишининг барча ҳоллари, меҳнат ва технология интизомини бузувчиларга нисбатан кўрилаётган чоралар тўғрисида мунтазам ахборот билан таъминлаб борилганда, корхоналарда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга иқтисодий таълим системаси кўрсатаётган таъсир янада кучли бўларди.

Шаҳар совети Сергели район советига «Ўзбекистон» сунъий ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси иқтисодий таълим мактаблари раҳбарларининг иқтисодий таълим системасидаги ўқувдан ишлаб чиқаришда тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш ва район меҳнат коллективларидаги ижобий тажрибани кенг ёйиш бўйича тўпланган тажрибаларини умумлаштиришни тавсия этди.

Муҳокама этилган масалалар бўйича қабул қилинган тавсияларда шаҳар совети корхона ва ташкилотлардаги советларга жойларда иқтисодий таълим даражасини кўтаришни таклиф этди. Бу иш зарур даражада изчил, таъсирчан ва қамровли бўлиши, меҳнат самарадорлигини оширишнинг муҳим воситасига айланиши лозим. Бу борадаги барча ишларни КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев бирлашмалар ва корхоналарнинг, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш бригадалари бошлиқлари, мутахассис-олимлар билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқи асосида амалга ошириш керак. Бу нутқда ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўлига ўтказиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, маҳсулот сифатини янада ошириш, хўжалиқ механизмини ва уни бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар ғоят муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

• Иттифоқдош республикаларда

БЕТОН ПИШИҚ БЎЛАДИ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ. Бетон пишиқ бўлиб кўпга чидаса-да, қаттиқ совуққа бардош бера олмайдиган пайтларн ҳам бўлади. «Ленефтехим» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг олимлари бетоннинг ҳамиша пишиқ бўлишида қурувчиларга ёрдам бершга енг шимардилар. Улар бетон қоришмасига қайта ишланган нефть маҳсуллари асосида тайёрланган модда қўшишни таклиф этдилар.

Шундай қилиб, бетон пишиқлигинн пасайтирмаган ҳолда хом ашёни 10 процент тежаш мумкин бўлди. Бундан ташқари материал енгилроқ бўлиб қолади. Синтетик модданинг яна бир фазилати шуки, у қўшилганидан сўнг қоришма анча суюқлашиб, зарурат туғилса қоришманн қувур орқали ҳайдаш ҳам мумкин бўлади.

Пластификатор модда Ленинграднинг кўпгина қурилиш майдонларида синаб кўрилди. Англрск корхоналарнинг бирида «бетон малҳамн» ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ОҚҚУШЛАР СЕВАНДА ҚОЛАДИ

АРМАНИСТОН. Оққушларни қутқариш операцияси муваффақиятли тугади. Арманистонда кўп кишилар бу хабарни орзиқиб кутган эдилар...

Оққушлар Сибирдан Севанга қишлаш учун учиб келади. Мартнинг охирларида эса учиб кетади. Лекин бу йилги об-ҳаво кутилмаганда бошқача бўлди: совуқдан қолсизланган парандаларнн муз кўлга қўйилувчи Лччк ва Гаванрагет дарёларнинг этагига қисиб қўйганди. У жойдаги яхдан ҳолн бир парчагнна жой каттакатта галаларни боқиб, қутқариб қололмасдн.

Шунда одамлар ёрдамга келишди. Уларга хўрак бера бошлашди. Бундан ташқари ҳаводан туриб ях устнга дон ҳам ташлана бошлади.

— Энди қийнчиликлар ўтиб кетди, — деди «Севан» паркининг директорн Т. Сухудян. — Бизда ҳам кунлар бир мунча исиб қолди. Парандалар қанотларнинн синаб кўрмоқда. Лекин учиб кетишга шошилмаяпти.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

«ПРАГА БАҲОРИ» ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ПРАГА. «Прага баҳори» халқаро музика фестивали Чехословакия Совет Армияси томонидан озод қилинганлигининг 40 йиллиги белгиси остида ўтади. Фестиваль очилиши тўғрисида дарак берадиган фанфараларнинг тантанавор янграшига бир ой қолди. Лекин музика байрамига тайёргарлик ҳозирдаёқ ниҳоясига етди.

Чет эллик ва чехословакиялик етакчи ижрочилар иштирокидаги фестиваль концертлари жаҳон маданиятини ҳалокатдан қутқариб қолган совет солдатларининг жасоратига бағишланди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда ЧССР халқ артисти, фестиваль комитетининг раиси Ян Сейдел. Мана қирқ йилдирки, Прагада баҳор тантанавор музика садолари остида ўтмоқда. Бу ғоят рамзий маъноga эга: биринчи Прага баҳори фестивали 1946 йилда ўтказилган эди. У пайтда уруш жароҳатлари ҳали ўзини эслатиб турарди. Ушанда жаҳон музика маданиятининг Влтава соҳилидаги шаҳарга келган вакиллари музика тилида инсонпарварлик, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик идеалларини қарор топтириш учун курашга даъват этдилар. Шундан бери фестиваль ана шу олижаноб идеалларга муттасил хизмат қилиб келмоқда.

Юбилей кўригида 24 мамлакатнинг машҳур музикачилари концертлар берадилар. Фестиваль афишаси Венгрия ва Польша, Болгария ва ГДР, Куба ва Руминия, Хитой ва Бразилия, АҚШ ва Ирландиядан келадиган ижрочилар билан учрашувлар ўтказилишидан дарак бермоқда. Солистлар ва оркестрларнинг анъанавий кучли составн Совет Иттифоқи музика маданиятидан вакил бўлиб қатнашади. Прагаликлар Елена Образцова ва Виктор Третьяк, Юрий Темирканов ва Виктория Постниковалар билан учрашувларни зўр иштиёқ билан кутмоқдалар. СССР маданият министрлигининг Геннадий Рождественский бошчилигидаги симфоник оркестри концерти фестивалнинг асосий воқеаларидан бири бўлади. Москвалик лар ижросида С. Прокофьев, Д. Шостакович, А. Шнитке асарлари янграйди.

И. С. Бах таваллудининг бу йил нишонланадиган 300 йиллиги фестиваль программасида ўз ифодасини топади. Кўпдан-кўп концертлар ана шу буюк даҳо ижодига бағишланади.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БУДАПЕШТ. Венгрия фашизмдан озод этилганлигининг 40 йиллиги байрами арафасида Будапештда қурилиш саноати механизаторлари учун янги катта даволаш-профилактика маркази очилди. Ундаги кабинетлар барча турдаги медицина ёрдами кўрсатиш, касалликдан ёки шикастланишдан кейин меҳнат қобилиятини тиклаш имконини беради. Медицина марказини жиҳозлашда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ихтисослашаётган Венгриянинг «Медикор» саноат бирлашмаси тайёрлаб чиқарган замонавий аппаратлардан кенг фойдаланилди.

***

КОБУЛ. Апрель революциясидан кейин Афгонистонда ихтиёрий меҳнат ҳаракати кенг ривож топди. Бахтар агентлигининг хабар беришича, бултур ўтказилган ҳашарларда (шанбаликларда) Қобул аҳолисидан 10 минглаб киши меҳнат қилган. Улар пойтахтдаги янги районларни кўкаламзорлаштирш д а, электр линияларини тортишда, шаҳар боғлари ва хиёбонларини ободонлаштиришда қатнашдилар. Минг-минглаб кўнгилли ёрдамчилар шанбаликларда янги уй-жой биноларини барпо эта турнб, қурувчилар билан ёнма-ён меҳнат қилдилар. Ҳозир Афгонистон пойтахти ана шундай биноларга муҳтож. Кўпгина афгонлар ўз иш жойларида: заводларда, фабрикаларда, фермаларда меҳнат қилиб, ишлаб топган маблағини жонажон шаҳри фондига ўтказмоқдалар. Пойтахт аҳолиси бултур ихтиёрий меҳнат кунларида қарийб 5 миллион афгони ишлаб топди.

***

НЬЮ-ЙОРК. Бу ердаги жамоат ташкилотлари коалицияси америкаликларга мурожаат қилиб, Оқ уйнинг ички ва ташқи сиёсатига қарши 20 апрель куни Вашингтонда ўтказиш режалаштирилган норозилик намойишида фаол қатнашишга чақирди. Рейган маъмуриятини, дейнлади коалиция эълон қилган баёнотда, чет мамлакатлар ишларига ҳарбий аралашиш сиёсатидан воз кечишга, ҳарбий бюджетни камайтиришга, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва камайтиришга мажбур этиш зарур.

БРЮССЕЛЬ. Бельгия пойтахтида мамлакатда Американнинг қанотли ракеталарн ўрнатилишига қарши кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. У қирғин қуролларининг Бельгия ерида жойлаштирилишига қарши оммавий намойишга айланди.

СУРАТДА: Брюсселда ўтказилган оммавий намойиш қатнашчилари.

«Қариётган канал»

Америкалик эксперт Фрэнк Вэдсвортнинг фикрича, қитъадаги йирик каналлардан бири ҳисобланган — Панама каналн тез орада «фойдасиз» сув йўлига айланиб қолиши мумкин. Бу фикр кўпчилкнни қизиқтириб қолдн. Тадқиқотчининг фикрича, йил сайин канал атрофидаги ўрмонлар ва бошқа ўсимликлар ўз-ўзидан қуриб кетмоқда. Вэдсворт докладн 1978 йилда тайёрланган бўлишига қарамай, унинг мазмуни фақат бугунги кунда матбуот саҳифаларига тушиб қолдн. Шунн айтиш керакки, ҳар йилн канал атрофидаги ўрмонлар зонасн 7 гектарга камаймоқда. Панама ҳукумати бундай ҳолнн тўхтатиш чораларини кўриш тадбирларини белгилаётир.

Нохуш статистика

Яқинда Италияда кейинги ўн беш йил ичида ўғирланган бебаҳо санъат асарларининг расмий рўйхати эълон қилинди. Бу рўйхатдан шу нарса кўринпб турибдики, мамлакатдаги диний маҳкамалар 5331 марта жабр кўрган. Бу ердаги кўплаб буюк санъат усталари қаламига мансуб бўлган асарлар ўғирланган. Натижада 51295 картина, 15301 ҳайкал, 13064 қимматбаҳо археологик топилмалар ва 60 мингга яқин диний буюмлар йўқолган. Бу шунн кўрсатиб турибдики, ўғрилар ҳатто муқаддас диний маҳкамаларни ҳам тинмай талаганлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми: сўз ва иш бирлиги

2. НЕГА ЧАЙҚОВЧИНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН?

Тошкентнинг «Оқшом» газеталари ва шаҳар БХСС бошқармасининг қўшма рейди

КАРТОШКАГА ТАЛАБ ОШГАНДА...

Қорасув бозорининг савдо расталари харидорлар билан гавжум. Ҳамма бир томонга шошган — айтишларича қайсидир магазинга картошка келтиришганмиш. Аммо миш-миш ёлғон бўлиб чиқди. Ушбу бозордаги бирорта магазин ёки дўконда анча кундан буён картошка йўқ. Рейд қатнашчилари Паркент бозорида ҳам худди шундай манзарага дуч келишди. Шунинг учун иккала бозорда ҳам бозорчилар картошканинг килосини 1 сўмдан сотаётганига ажабланишнинг ҳожати қолмаган эди.

Нега чайқовчининг бозори чаққон? Хусусан картошка савдосида? Бу саволга жавоб икки карра иккидек маълум бўлиб қолди: чунки харидорларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан картошка билан таъминлаш лозим бўлган «Ташплодоовощ»ҳам, «Ташкоопторг»ҳам ўз вазифасини уддалай олмаяпти. Минг-минглаб оилаларга қимматга тушган бундай иш услуби алоҳида суҳбат учун мавзу. Биз эса

Нега чайқовчининг бозори чаққон? деган саволга жавоб топиш учун чайқовчилар билан яқиндан танишишга қарор қилдик.

Мана Ўткир Қўчқоров. Фарҳод бозорига 22 қоп картошка олиб келган. Бу ерга «Ташобводоканал»га қарашли 10-70 ТШМ машинасини кира қилиб келган. Машина кабинаси устига «Аварийная» деб ёзиб қўйилган. Ростдан ҳам «аварийная»га ўхшайди: у бозорга «Ташплодоовощ»ва «Ташкоопторг» содир қилган «авариянни» тузатиш учун келибди. Агар У. Қўчқоровда картошка ҳақиқатан ҳам сотиш учун келтирилган, дейилган ҳужжат бўлганида ҳамма иш жойида бўлар, одамлар ҳам хурсанд бўлишарди. Ахир 22 қоп бу ҳазил гап эмас. Бу икки тоннадан кўпроқ картошка, агар пулга чақилса икки минг сўмдан кўпроқ бўлади.

Паркент районидаги «Коммуна» совхозининг директори Х. Мирзакаримов (партком секретари С. Алматов) эса ўз ишчиси иш пайтида ҳеч қандай ҳужжатсиз Тошкентга картошка сотгани борганини эшитиб, қўлларини ёйиб ҳайратга тушди, холос.

Энди область ва шаҳар ГАИ ходимларига бир савол: **«Ташобводоканал»нинг пешонасига «Аварийная» деб ёзиб қўйилган машинаси кузовида 22 қоп картошка билан қалбаки йўл варақаси ва техник паспортсиз шунча йўлни қандай бемалол босиб ўтди экан! «Ташобводоканал»дагилар ўз машиналарини бир неча кун тополмай излашга тушмадилармикан!**

24—31 ТШЛ номерли бошқа машина ҳайдовчиси А. Абдуллаев йўл варақасига қаралса 11 апрелда «сафарга чиққан. Машина «Узтрансэкспедиция»га қарашли. 13 апрель куни у Фарҳод бозорида ушланган.

Бу ва бошқа шунга ўхшаш фактлар нимадан далолат беради? Маълум бўлишича, чайқовчиларнинг ихтиёрий ва бенхтиёр келган шериклари оз эмас экан. Улар кунлаб ўз иш жойларида кўринмай юришлари мумкин, шунинг учун ҳам ўз маҳсулотларини қимmат нархда сотишга йўл қўймайдиган савдо хизмати бюроларига топширмай, аксинча истаганча муддат ичида давлат кооператив савдоси рақобатидан холи кўнгилларн тусаган баҳода пуллашади. Улар баъзан куппа-кундуз куни автоинспекция ходимларидан чўчимай, чайқовчилик учун мўлжалланган картошкаларни машиналарга юклаб, хоҳлаган жойларига жўнайверишади. Ва ниҳоят бозор баҳосини истаганича кўтаришлари мумкин, чунки бозор комитетлари, бозор ходимлари улар билан ҳеч қандай тушунтириш ишлари олиб бормайди.

Давлат ва кооператив савдосида картошка етишмаслиги чайқовчиларнинг тегирмонига сув қўяпти. Бу масаланн кечиктирмай ҳал этиш керак.

КЎКАТЛАР САВДОСИ АВЖИДА

Кўкатлар — редиска, пиёз, петрушкасиз картошканинг ҳам картошкалиги қолмайди. Ҳар ҳолда, айтайлик тушлик дастурхон устида. Шунинг учун ҳам биз Фарҳод бозорининг кўкатлар сотиладиган расталари томон юрдик. Фақат биз бу гал харид қилмай, балки бу жараённи кузата бошладик. Мана, қаршимизда Тошкентнинг Зафарий кўчасидаги 47-уйда турувчи Карима Хўжаева. У колхозчилардан кўкатларни кўтарасига сотиб олиб, қимматига пуллаётганда қўлга тушди. Ҳеч ерда ишламай, Фарҳод бозорига ўрнашиб олган. К. Хўжаевага бу ерда аллақачон меҳнат дафтарчаси очиш мумкин эди. Олибсотарлар ва чайқовчиларнинг фахрий ёрлиғи билан мукофотланса ҳам ҳеч ким ажабланмасди, чунки кўкатлар билан олибсотарлик қилиш унинг асосий иши бўлиб қолган. Тўғри, энди бу иши билан хайрлашиши лозим бўлади.

Мана бунинси эса Шоира Қосимова — ҳақиқий меҳнат дафтарчаси бор. Иш жойи ҳам унақа, бунақа жой эмас 114-мактаб — бу ерда у ўқитувчилик қилади. Педагогика соҳаси ва психологияни чуқур билганлиги унга қўл келганга ўхшайди: унингча гулларга ҳар хил кўкатларни қўшиб сотилмаса савдо юришмайди. Кўкатларни у давлат баҳосида сотиб олган, гулларга қўшиб эса кўнгли тусаганича сотмоқда.

Рейд қатнашчилари худди шундай кўкатларни сотиб олиб, чайқовчилик қилаётган Гулсара Камоловани ҳам кўлга туширди. У Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида яшар экан. Олдиндан шуни айтиш мумкинки, **рейд қатнашчилари шаҳар бозорларида Янгийўл районидан кўплаб чайқовчи ва олибсотарларни учратди. Жумладан, юқорида айтилган колхоздан ҳам.**

Мана, қаршимизда Д. Салимова. У ўзининг ўттиз ёшини Фарҳод бозорида чайқовчилик билан нишонламоқда. Колхозчилардан кўкат харид қилиб, кейин уни қимматига пулламоқда. Адрес эса яна ўша — Янгийўл райони, Ниёзбоши қишлоғи.

Олой бозорига ўтамиз. Бу ерда рейд бригадаси кўплаб кўкатларни сотиб олиб, кейин уни чайқов баҳосида пуллаётган Х. Холдорова (Ленин номли колхоз), Х. Абилова («Ленинизм» колхози), Янгийўл шаҳар касалхонаси ходими М. Абдухалиловаларни жиноят устида қўлга туширди. Уларнинг барчаси Янгийўл райондан. Тошкентлик олибсотар ва чайқовчилар нима билан машғул? Улар ҳам қоп-қора терда меҳнат қилишмоқда.

Худди ўша манзара — кўкат билан чайқовчилик қилаётган иккита истараси иссиқ дугоналарни учратамиз. Сабохат Назарова 27 ёшда, унинг дугонаси Васила Раҳимова эса 25 да. Улар шундай илғор ишчилар бўлса керакки, «Учқун» тўқимачилик галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси (директори Д. Юсупов, партия ташкилоти секретари В. Антропова) маъмурияти уларга Олой бозорида чайқовчилик қилиш учун «махсус отпуск» беришга қарор қилибди. Т. Усмонов (биринчи сурат) Акмал Икромов район улгуржи-чакана савдо конторасида ишлайди (ОРК директори Э. Раҳмонов, партия ташкилоти секретари М. Бекмуродов). Бироқ улгуржи-чакана савдо корхонаси ходими давлат маҳсулотини эмас — бу эса аниқланиб, протоколга киритилди — балки Тошкент районидаги генерал Собир Раҳимов номли колхоз маҳсулотини сотаётган эди. Рейд қатнашчилари колхозга бордилар, у ердан эса саримсоқ пиёз давлат савдо шахобчасига эмас, «чапга» — Олой бозорига келиб тушган 10-бригада майдонини топишди.

10-бригададан қанча миқдорда ўғирланган маҳсулот бозорга олиб келинганини ҳисоблаб чиқиш учун экономист таклиф қилинса ёмон бўлмасди, — дейишди рейд қатнашчилари.

— Марҳамат, — дейишди Киров район ОБХСС ходимлари. Экономист бизда бор, фақат бироз кутишга тўғри келади. Экономист Муҳаррам Соипова ҳозир ўзининг чайқовчилик иши кўрилаётган Киров район халқ судида.

— Экономист чайқовчилик билан шуғулланаяпти? Тасаввур қилинг-а! Ҳозиргина суд қарори билан у давлатга 50 сўм штраф тўлади.

БХСС органлари, Фарҳод ва Олой бозорларидаги кўнгилли халқ дружиначилари аъзолари томонидан қўлга туширилган чайқовчи ва олибсотарлар орасида турли касби эгаларн бор. Улар билан борган сари қатъий кураш олиб борилмоқда. **Бироқ «Учқун» бирлашмаси ишчиси, Акмал Икромов район ОРК ходими, шунингдек юқорида айтилган Тошкент областидаги хўжаликлар ва ташкилотлар ходимлари баъзан ҳатто иш вақтида, очиғини айтганда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги тадбирларни писанд қилмай бозорларда чайқовчилик қилиб юрган экан, улар ишлаётган ташкилотларнинг раҳбарлари бунга йўл қўйиб бераётган экан бу кураш самараси кўнгилдагидек бўладими!**

Масаланинг бошқа томони ҳам бор: бозорларда савдо хизмати бюролари (БТУ) ташкил этилган. Уларнинг асосий вазифаси колхозчиларга маҳсулотларини реализация қилишда ёрдам бериш. Шу йил 9 апрелда «Оқшом» газеталари ва шаҳар УБХСС ходимлари биргаликда ўтказган биринчи рейддан буён фақат Олой бозорида унинг товар оборотн 1,5 мартага яқин кўпайди. БТУ расталарида биз боғлами 20 тийиндан сотилаётган редиска, сархил саримсоқ ва кўк пиёзни кўрдик. Уларнинг ҳаммаси аҳоли томонидан мамнуният билан харид қилинмоқда. Аммо нима учун унда ҳамон олибсотар ва чайқовчилар учрамоқда? Чунки, бизнингча, БТУ колхозчилардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишга кеч киришган. Чайқовчилар эса бундан фойдаланиб, харидорларнинг чўнтагини таламоқда.

Юқорида номлари келтирилган олибсотарлар фақат қўлга олинмай, балки жиноий жавобгарликка ҳам тортилди. Улардан мусодара қилинган маҳсулотлар айни ўша БТУ пештахталарига келиб тушди. Бу ўринда назоратчи ташкилотлар, кўнгилли халқ дружиначилари хизматини таъкидлаш керак. Бироқ, ҳали битта бўлса-да, чайқовчи ва олибсотар бор экан бу муваффақиятлардан хотиржам бўлиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида савдо соҳасидаги бундай нуқсонларга қарши кескин чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди. Бироқ, нега энди улар билан фақат милиция ходимлари ва халқ дружиначилари курашмоғи керак? Нима учун юқорида кўрсатилган область хўжаликлари, айтилган ва айтилмаган шаҳар ташкилотлари чайқовчиларга қарши қатъий курашмай, уларга йўл очиб беришмоқда? Бундай кўнгилчанликка аллақачон чек қўйиш пайти келди.

«Ташплодоовощ» улгуржи-чакана савдо конторалари ҳамон ўз иш услубини яхшилагани йўқ. Шу йил 9 апрель куни газета саҳифасидан унинг адресига айтилган кескин танқиддан тегишли хулоса чиқариб олинмаган кўринади. Гап яна қишлоқ хўжалиги маҳсулоти борасида.

Фарҳод бозоридан бор-йўғи уч бекат нарида Чилонзор улгуржи-чакана савдо конторасига қарашли 2-магазин жойлашган. [ОРК директори В. Неъматов, партия ташкилотининг секретари Н. Н. Гайнулин]. Текшириш пайтида савдо залида бор-йўғи бир неча килограмм қуриб қолган саримсоқ ва бир неча банка консерва борлиги аниқланди.

Ушбу магазиннинг филиали «иш фаолиятидан». Бўш яшчиклардан ташқари бу ерда ҳеч вақо йўқ (иккинчи сурат). Мана бунинси эса, агар шундай дейиш мумкин бўлса, сабзавот ярмаркаси. У Фарҳод бозорига яна ҳам яқинроқ жойлашган. Бўм-бўш ва синиб ётган пештахталар — мана унинг харидорларга «тавсия» қилиши мумкин бўлган нарсаси (учинчи сурат). Иш шу ҳолда бўлса давлат магазини чайқовчи билан қандай рақобатлаша олиши ҳақида гапириш мумкин?

РЕДАКЦИЯДАН: газетамизда чайқовчиликка, шу жумладан, бозорлардаги олибсотарларга қарши қатъий кураш олиб бориш мавзунга бағишланган бир неча рейд материаллари эълон қилинди. Ўтган йил 7 ва 12 июль кунларида эълон қилинган «Бозордаги олибсотарлар», «Чайқовчиларга йўл берк», шунингдек, шу йил 9 апрель куни эълон қилинган «Бозор кимнинг измида» рейд материаллари шу мавзуга бағишланди.

Кейинги пайтда шаҳар бозорларида чайқовчи ва олибсотарларга қарши кураш бир мунча активлашди. Бироқ рейд шуни кўрсатдики, бу ҳали етарли эмас. Фақат маъмурий ва жиноий жазолар билан чайқовчилар йўлини тўсмай, балки давлат савдо шахобчалари пештахталарини доимий маҳсулот билан таъминлаб туриш ҳам лозим. Чайқовчиларнинг нафратини қўзғатувчи фаолиятлари иш жойларида кескин баҳоланмоғи лозим. Ва ниҳоят, савдо хизмати бюролари ишини ташкил қилишни ҳам аниқ бир системага солиш керак. Буларнинг ҳаммаси, бозорлардаги назоратни кучайтириш билан биргаликда, чайқовчи ва олибсотарлар йўлига қўйилган тов бўлади.

Б. ПСХАЦИЕВ,
Б. САФАРБЕКОВ,

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси УБХСС ходимлари.

Ш. ЮСУПОВ,

Акмал Икромов район ички ишлар бўлими ОБХСС ходими.

М. ЮСУПОВ, Ю. КАЗАЧЕНКО,
махсус мухбирларимиз.





1. Тоғни урса талқон қиладиган мана бу «паҳлавон» Т. Усмонов бўлади. У Олой бозорида колхоз сармсоқ пиёзини пуллаётганда кўлга тушди. 2. Чанг босган яшчиклар, бўм-бўш пештахталар — Чилонзор улгуржи-чакана савдо ндорасига қарашли 2-магазин филнали жонажон харидорларнинн мана шундай «кутиб» олмоқда.



3. Рассом юракдан ишлаган кўринади. «Сабзавот ярмаркаси» дейилган ёзув, мева ва сабзавотларнинг расмини кўриб кўз қувонади. Афсуски, чиройли сўзлар ортида иш кўринмайди. «Ярмарка» да эса ҳеч вақо йўқ.



2 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ
17 АПРЕЛЬ. 1985 й.

Тошкентлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари

ШИДДАТЛИ ҲУЖУМ УСТАСИ



Машҳур «ИЛ—2» қирувчи самолётининг командири Абдусаттор Эшонқулов уруш йилларида фашист газандаларига бургутлардек даҳшат солган, ажойиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган учувчилардан биридир. Унинг энг узоқ парвози Польшадаги Гданск-Гдиня шаҳарлари территориясида бўлган.

Ўшанда уруш тақдири ҳал бўлаётган эди. Олчоқ ёв жон талвасасида қаршилик кўрсатарди. Шу территорияда фашистларнинг 117 минг жонли кучи, жуда кўп ҳарбий техникаси қуршаб олинди. Аммо катта тажрибага эга бўлган фрицлар доира шаклида мудофаа ташкил қилишди. Тўплар, замбараклар, зенит артиллерияларидан ўт очиб ҳеч бир нарсани йўлатмай қўйишди. Танклар, самолётлар билан ҳужум қилишга уриниш фойдасиз чиқди.

Командирлар кенгашида, энг аввало, мудофаа марказидаги ўқ-дори омборхоналари, қирувчи, бомбардимончи самолётлар, танкларни ишдан чиқариш керак деган хулосага келинди. Акс ҳолда душман қуршов ҳалқасини ёриб ўтиш, чекиниш, янги кучлар билан мустаҳкамланиш имконига эга бўларди. Бинобарин, операцияни зудлик билан бошлаш лозим. Муҳим топшириқ авиация полклари зиммасига юкланди. Уч сутка давомида кўп марта, кундузи, тунда фашистларнинг мудофаасини ёриб ўтишга ҳаракат қилинди. Талафотлар бўлди. Бироқ, жиддий силжиш бўлмади. Таҳликали аҳвол вужудга келди. Операцияни бошқариш учун олдинги маррага 4-ҳаво армиясининг қўмондони, авиация генерал полковниги К. А. Вершининнинг ўзи келди.

—Фашистлар бутун территорияни назорат қилиб туришибди. Ҳар икки метр масофадан ўт очиб самолётларимизни яқинлаштиришмаяпти, —ахборот беришди унга.

Шу пайт аэродромдан «ИЛ—2» самолёти ҳавога кўтарилди. У бутунлай бошқа йўналишда борарди. Саноқли дақиқалар ичида булутлар орасига кириб, кўздан ғойиб бўлди.

— Катта лейтенант Абдусаттор Эшонқулов душманнинг мудофаа марказига Болтиқ денгизи томондан ўтишни таклиф қилди. Рухсат бердик,— яна ахборот берди полк командири генералга.

Атрофга кўнгилни ғаш қилувчи сукунат чўкди. Генерал кўзига дурбин тутиб, душман томонни кузата бошлади. Беш, ўн, йигирма минут ўтди.

— Балли Эшонқулов, —деб юборди бирдан К. А. Вершинин дурбинни қўлига олиб.— Учувчи дегани шундай бўлиши керак. Душман мудофаасининг қоқ марказига бомба ташлади, азамат. Ўқ-дори омборлари, цистерналари ёна бошлади. Учувчилар ҳужумга, Эшонқулов маршрути бўйича...

Осмонга кетма-кет бомбардимончи самолётлар кўтарилди. Артиллерия душманнинг мудофаа линиясини ўққа тута бошлади. Бир ҳафта давомида Абдусаттор Эшонқулов 28 марта ҳавога кўтарилиб, душманнинг техникаси ва жонли кучига катта талафот етказди. Аввалги жангларда кўрсатган довюраклиги, мардлиги, эпчиллиги учун полкдошлари уни шиддатли ҳужум устаси, деб аташарди. Бу сафар ҳам у ажойиб топқирлик кўрсатди.

Абдусаттор Эшонқулов ҳар қандай шароитда жанговар топшириқни бажариш санъатини бирданига эгаллагани йўқ. Аммо биринчи марта ҳавога кўтарилганидаёқ вазият ундан маҳорат, топқирлик талаб қилган эди. Бу 1943 йили Смоленск областида рўй берган. Капитан Сергеев эскадрильяси машғулот парвозига кўтарилди. Олдинда бораётган Абдусаттор командирнинг дарҳол орқага қайтиш ҳақидаги буйруғини эшитмай қолди. Олдинда ва ён томонда душманнинг учта «Мессершмит—109» қирувчи самолёти пайдо бўлди. Кутилмаганда, тунги соат тўртда ҳавода ҳаёт-мамот жанги бошланди.

Душман тактикаси маълум. Орқадаги самолёт экипажи ўқ отиб чалғитади. Олд томондагиси эса фурсатдан фойдаланиб мотор ёки бакни нишонга олади. Абдусаттор Эшонқулов бақирди:

— Ҳамид, олдиндагисини от, олдиндагисини.

Самолёт худди қўғирчоқдек ағдарилар, қиялаб учар, хуллас фашист қузғунларига чап берарди. У фашистлар эгаллаб турган территорияга ўтиб қолди. Ерга яқинлашди. Зимистон ўрмон орасида арғамчига ўхшаш йўлка кўзга ташланди. Абдусаттор таваккал қилиб йўлкага шўнғиди. Қузғунлар уни йўқотиб қўйишди. Ўрмоннинг дарахтлари қирқилган қисми жонга аро кирди. У яна ҳавога кўтарилди. Баландликни оширганда бутунлай бошқа жойда учиб бораётганлиги маълум бўлди. Ўз аэродромига қайтолмади. Шикловга қўнди. Эртасига Абдусаттор Эшонқулов ва ўқчи Ҳамид Азаматов ўз полкига қайтди. Ўша куни фашистларнинг ваҳшийлигига ишонч ҳосил қилди. Босқинчиларни аямай уриш кераклигини юрагига тугиб қўйди.

Буда станциясида бўлган жангда Абдусаттор Эшонқулов командирлик қилган звено пастлаб учиш маҳоратини кўрсатди. Бу ерда фашистларнинг жуда кўп эшелонлари тўпланиб қолган эди. Қирувчи самолётлар шунчалик паст учишдики, улар эшелон ва локомативларга урилиб кетиш даражасида парвоз қилишди. Самолётлардан отилган снарядлар локоматив ва вагонларнинг кулини кўкка совурди.

Командирлар ҳам, учувчилар ҳам Абдусаттор Эшонқуловни бургут дейишарди. Бунга сабаб, унинг вазиятни дарҳол, тўғри пайқаши, тўғри хулоса чиқариши эди. Қийин дақиқаларда даҳшатга тушмас, эпчиллик билан учарди. Ундаги довюраклик ва мардлик бошқаларга далда берар, мардона жанг қилишга ундарди. У 100 марта муҳим топшириқни бажариш учун ҳавога кўтарилган. Бирон марта ҳам самолёти шикастланмаган, аэродромга эсон-омон қўнган. Буни ўзига хос омад дейиш ҳам мумкин. Аммо зенит артиллериялари, тўплар тинимсиз мўлжалга олиб турган майдондан омон чиқиш учун ўта хушёр, эпчил, энг асосийси, мард бўлиш лозим эди. Шу хислатлар уни жангоҳдан омон чиқишига сабаб бўлган.

Энди унинг мукофотлар варақасига ёзилган сўзларга назар ташлайлик. 10 та танк, 69 та автомашина, 43 та ўқ-дори ортилган карвон, 2 та паровоз, душманнинг 500 га яқин офицер ва солдатини яксон қилган. Ҳужжатда бир кечувни ҳам вайрон қилгани ёзилган. Бунинг мазмуни шундай. Польшадаги Ломже шаҳри яқинида дарё бор. Унинг кўприги чекинаётган фашистлар учун ҳаётни сақлаб қолиш воситаси эди. Қўшинларимиз эътиборини чалғитиш учун фашистларнинг бир неча дивизиялари турли томонлардан бу ерга бир вақтда етиб келишди. Колоннанинг олдинги қисми кўприкнинг ярмидан ўтганида даҳшатли гумбирлаш овози эшитилди. Фашистлар шошиб осмонга қарашганида Абдусаттор Эшонқуловнинг самолёти олислаб кетган эди. У яна ва яна қайтиб келди. Кейин унинг ёнига 39 самолёт қўшилди. Босқинчи дивизияларнинг составидаги барча жангчи ва офицерлар дарёга чўкиб ва ёниб кетди. Совет халқини қул қилиш ниятида қурол кўтарган ваҳшийлар қуролдан ажал топишди.

Мукофотлари орасида «Қизил Юлдуз», биринчи даражали Ватан уруши орденлари бор. 1945 йилнинг 18 августида Совет Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

Яна икки марта «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланди, узоққа парвоз қилиш, топшириқларни пишиқ-пухта бажариш санъатини намойиш этди.

М. ОТАХОНОВ.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Ҳурматли редакция! Баҳор табиатнинг энг гўзал фасли. Ҳар бир киши уни орзиқиб, интиқиб кутади. Қуёш паға-паға булутлар орасидан тез-тез жамолини кўрсатиб мунаввар қилади, дарахтлар куртаклаб япроқ ёзади, борлиқ яшил рангга бурканади. Баҳор шабадаси қалбимизга ором бағишлайди. Лекин бу даврда кўпчилик дармонсизликдан, тез толиқиб қолаётганидан шикоят қилади. Бунинг сабаби нимада! Шу ҳақда газетада мутахассис маслаҳатини ўқишни истардик.

Ҳ. НОСИРОВ,
Е. КАРИМОВ,
асбобсозлик заводи ишчилари.

Газетхон илтимоси

БАҲОРДА НЕГА ТОЛИҚАСИЗ?

Оқшомхонлар илтимосига биноан мухбиримиз Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар шифохонасининг бўлим мудири, медицина фанлари доктори, профессор Ғайрат Тўланович Иброҳимов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физиология институтининг лабораторияси мудири, биология фанлари доктори профессор Карим Раҳимович Раҳимов, Куйбишев районидаги 36-поликлиника врачи Ўлмасхон Азимовна Назаровалар билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Ғайрат Тўланович, чиндан ҳам баҳор бошланиши билан киши организмида қандайдир лоҳаслик, толиқиш тез-тез сезилиб туради. Бунинг бирор объектив сабаби борми?

— Сабаби бор, албатта. Медицина нуқтаи назаридан изоҳлайдиган бўлсак, аввало иқлим ва ҳарорат таъсирида бундай ҳолат юзага келади. Чунки, одамлар ёзда, кузда анча чиниққан бўладилар. Организм бу вақтларда ташқи муҳитга тўла мослашади. Ёз ва куз ноз-неъматлари авжи етилган пайтда улардан ҳамма яхши фойдаланади. Шу боисдан ҳам ота-боболаримиз «ёзнинг ёвғони қишнинг мазали таоми» дейишади. Ёзда мевалар қуёш нурини яхши ўзлаштирган бўлади. Қишда одамлар қуёшда кам тобланадилар. Чунки, қуёшнинг тафти синган бўлади. Қишнинг булутли кунлари ҳам одамларга маълум даражада таъсир қилади. Бунинг устига қишда кишилар витаминли кўкатларни кам истеъмол қилишади.

Тўғри, қишда ҳам парникларда кашнич, райҳон, шивит, кўк пиёзлар ўстирилади. Бироқ улар кўм-кўк бўлгани билан қуёшдан керакли моддаларни қабул қилмаган бўлади. Сунъий ёруғлик эса ҳеч қачон табиий қуёш нури ўрнини босолмайди. Шу боисдан қишки кўкатларнинг нафи ёзникидан камроқ бўлади.

Қишда одамлар анча толиқиб қолишади. Киши организми физиологик жараёнларини кузатганимизда шундай ҳолга дуч келдикки, қон таркибида фойдали моддалар камайган, асаб системаси ҳам бўшашган бўлади. Кўриш органлари хира тортади. Юрак қон-томирлари фаолиятида ҳам даврий ўзгаришлар содир бўлади. Шу боисдан ҳам кишилар баҳорда ўзларини ёмон ҳис этиб, дармонсиз эканликларидан бир-бирларига шикоят қиладилар. Баҳорнинг иккинчи ойидан ўтган ҳар бир одам, кунма-кун ўзини яхши сезади. Толиқиш нима эканлиги май ойларида бутунлай эсдан чиқади. Бу вақтга келиб эса заиф органлар ўзини тиклаб олган бўлади.

— Карим Раҳимович, сизни тадқиқотчи олим сифатида яхши биламиз. Айтингчи, одамлар баҳорда толиқмаслик учун нималарга амал қилишлари керак?

— Бутун мавжудот баҳорга толиқиб етиб келади. Бу ҳолат ҳайвонот оламида ҳам, набототларда ҳам содир бўлади. Бу вақтда кўкатларни кўпроқ истеъмол қилишимиз керак. Сут-қатиқ оғзимизга тегиши билан ўзимизни янада яхши ҳис қиламиз. Чорвачилик маҳсулотлари таркибида алмаштириб бўлмайдиган аминакислоталар ўсимликлардан тайёрланган таом нисбатан кўп. Сут, тухум, балиқ, гўштда оқсилларнинг биологик қиммати юқори бўлади. Оқсил етарли бўлмаганда склет мускуллари жигар, қон, ичак, тери протеинларида жадал парчаланиш кузатилади. Бундан ташқари, организмдаги барча кимёвий ва физик жараёнлар сувли муҳитда ўтади. Сувсиз ҳаёт йўқ. Сув билан организмга минерал моддалар тушади. Овқат қуруқ массасининг қарийб тўрт фоизи минерал бирикмалардан ташкил топган. Организм учун натрий, калий, хлор, фосфор, темир, йодлар ҳам керак.

Баҳор фаслида буларнинг миқдори организмда камайиб кетади. Одам организмида физиологик процесслар витаминлар иштирок этагандагина нормал кечади. Витаминлар қувватбахш бўлиб, улар ферментларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун витаминлар тўқималардаги модда алмашинуви процессларида иштирок этиб, организм тўқималарининг озиқ моддаларни ўзлаштиришини таъминлайди. Бундан ташқари, витаминлар амалий медицинада турли касалликларга қарши организмнинг ҳимоя кучини ошириш учун фойдали. Витаминларнинг ҳаммаси ҳам фойдали.

Баҳор пайтида кўпроқ B5—PP витамини етишмаслиги туфайли чарчаш сезилади. Витамин B12 — камқонликка қарши жуда кучли омилдир. Витамин С етишмаслигидан уйқусизлик ва тезда чарчаб-толиқишлик содир бўлади. Одамларда витамин С га суткалик талаб 50—75 миллиграммдир. Витамин С манбалари асосан янги мевалар, сабзавот ва кўкатлардир.

—Ўлмасхон Азимовна, узоқ йиллардан бери шифокор бўлиб ишлаб келасиз. Айтингчи, нима учун одамларни баҳорда уйқу босади, баъзи кишилар организмида беҳузурлик пайдо бўлади. Бунинг олдини олса бўладими?

— Аввалambор шуни таъкидлаш керакки, одамларда толиқиш, уйқу босиш, лоҳас бўлиш ҳолатлари баҳор фаслида эмас, балки бошқа фаслларда ҳам содир бўлади. Умуман олганда ,баҳорда кўпроқ одамлар ўзларини дармонсиз ҳис қиладилар. Бунинг асосий сабабларини юқорида ҳурматли олимларимиз таъкидлаб ўтишди. Ҳақиқатан ҳам баҳорда кўпчилик кишилар «уйқучи» бўлиб қолишади. Кўп ҳолларда эса бошим оғрияпти, юрагим қисяпти, кўзим хира тортаяпти дегувчиларни ҳам учратамиз. Бу ҳолатлардан қутилиш мумкин, албатта. Бунинг учун эрталаб, кечқурунлари тоза ҳавода юриш тавсия этилади. Шанба ва якшанба кунлари табиат қўйнида дам олганга не етсин. Ҳар куни узлуксиз равишда жисмоний тарбия билан 15—20 минут машғул бўлиш ҳам фойдадан холи эмас. Эрталаб ва кечқурунлари совуқ ванна қабул қилинса янада организм тетик бўлиб юради.

Энг яхши жисмоний тарбия бу — меҳнат. Томорқа, ерларда терлаб ишлаш ҳар қандай ланжликни қувиб юборади. Меҳнат одамни тетик қилади. Шунинг учун ҳам жисмоний меҳнат билан машғул бўлган одамлар тетик ва бақувват бўлишади.

Сув, қуёш, тоза ҳаво ҳам бебаҳо дори. Бу ҳақда улуғ рус саркардаси А. В. Суворов «Муздай сув бадан учун ҳам, ақл учун ҳам фойдалидир», деган. Н. И. Подвойский эса «Дипломсиз ва муҳрсиз, кабинетсиз ва бепул даволайдиган пролетар шифокор —қуёшдир» деб бежиз айтмаган.

Оқшомхонларим и з юқорида биз таъкидлаб ўтган маслаҳатларга риоя қилишса, толиқиш нималигини билмай ҳамиша бардам ва бақувват бўлиб юришади.

Суҳбатни
Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ
ёзиб олди.

● Медицина янгиликлари

ДАВОЛОВЧИ ЛАЗЕР

Бармоқ учларининг актив нуқталарига лазер нури билан таъсир этиб, инсон ҳолатини бошқариш мумкин. Москва радиотехника, электроника ва автоматика институти мутахассислари интенсивлиги кам бўлган нур ишлаб чиқарувчи «Орион» қурилмасини яратдилар. Асаб таранглигини, толиқишни бартараф этиш ёки артериал босимни камайтириш учун киши бир неча минутгина асбоб панелидаги ёстиқчада мавжуд бўлган тўртта чуқурчага бармоқ учларини тегказиши кифоя.

ТЕЗКОР ВОСИТА

Маълумки, флюрографияда махсус аппарат ёрдамида ўпкани текширишда фойдаланилади. Эндиликда кўз флюрографияси ҳам шаклланмоқда. Харьков медицина институти кўз касалликлари кафедраси олимлари олиб борган изланишлар ўз самарасини кўрсатди. Улар математик ва кибернетиклар билан ҳамкорликда врачларга бир неча секунд ичида кенг тарқалган касалликларга, масалан глаукома кабиларга диагноз қўйиш имконини берувчи электрон аппарат яратдилар.

Ф. ОРИПОВ
тайёрлаган

● Фарзандингиз соғлом ўссин

БОЛАЛАР ХИРУРГИЯСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Пойтахтимизда «Болалар хирургияси, интенсив терапия ва реанимациясининг актуал масалалари» бўйича 26-Бутуниттифоқ студентлар илмий конференцияси ўз ишини давом эттирмоқда. Биринчи марта Тошкентда ўтаётган ушбу анжуманда таниқли хирурглар, мутахассис олимлар, мамлакат медицина олий ўқув юртлари студентлар илмий жамиятларининг актив аъзолари болалар хирургияси бўйича илмий докладлари билан иштирок этишмоқда.

Бемор бола организмининг иллатини даволаш учун қилинаётган операция пайтида моҳир хирург қўлидаги жарроҳлик ништари сеҳрли кучга эга бўлади. Мана шу сеҳрли куч қанчадан қанча болаларнинг ҳаётини сақлаб қолган. Асримиз бошида «бажариб бўлмайдиган афсона» деб саналган операциялар ҳозир асоратсиз амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда, шу жумладан, республикамизда болалар хирургиясининг ривожланиши учун Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин кенг имкониятлар яратилди. Бирин-кетин болалар хирургияси кафедралари ёки курслари ташкил қилина бошлади. Ўзбекистонда, шу жумладан, Ўрта Осиёдаги биринчи болалар хирургияси кафедраси 1947 йилда ташкил қилинган эди. Ўша йили 40 ўринли бўлимда 100 бемор бола қабул қилиниб, 36 та операция қилинган холос. 1959 йили янги болалар шифохонаси очилиб, унда 200 ўринли болалар хирургияси бўлими ташкил қилинди. Бу ихтисослашган бўлимлар муолажа ишларини илмий равишда ташкил қилиш, кадрлар тайёрлаш уларнинг малакаларини ошириш имконини берди. Эндиликда республикамизда болалар хирургияси соҳасида ўнга яқин фан докторлари ва 50 дан ортиқ кандидатлари катта фаолият олиб боришмоқда. Ўрта Осиё медицина педиатрия институти, Тошкент, Самарқанд ва Андижон медицина институтларида 5 та болалар хирургияси кафедралари ишлаб турибди. Деярли ҳамма область марказларида болалар хирургияси бўлимлари аҳоли фарзандлари саломатлигига посбонлик қилишмоқда.

Бугунги кунда болаларнинг тугма ва ўсиш жараёнида пайдо бўладиган жарроҳлик касалликларини ҳамда шикастланишларини ўрганиш билан шуғулланувчи болалар хирургияси тўлиқ мустақил соҳа бўлиб қолди. Кўкрак, қорин, юрак-томир, бош мия, буйрак-сийдик йўлларидаги жарроҳлик касалликларини ўрганадиган ва даволайдиган бўлимлар яхши ривожланмоқда.

Маълумки, Ўрта Осиё республикаларида, жумладан Ўзбекистонда болалар орасида буйрак-ичак касалликлари кўп учрайди. Бу хасталикнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш, даволаш ва профилактика қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг тадбиқ этишда Ўрта Осиё медицина педиатрия институти, Тошкент ва Тожикистон медицина институтлари болалар хирургияси кафедралари эътиборга молик ишлар қилмоқдалар.

Болалар урологиясида буйрак, пешоб йўли, пешоб пуфаги ва уретрани қайтадан тиклаш ёки яратиш бўйича пластик операциялар кенг кўламда қўлланилмоқда. Ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилигида қонни тозалаш (гемодиализ) усуллари такомиллаштирилмоқда.

— Бу галги конференциямиз Тошкентда ўтаётганлиги бежиз эмас, — дейди таниқли болалар хирурги, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари доктори, профессор К. Х. Тоҳиров. — Республикамизда, шу жумладан Тошкентда болалар хирургиясининг актуал масалалари бўйича катта тажриба тўпланган. Конференцияда 100 дан ортиқ илмий докладлар тингланади, тадқиқотлар келажаги билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.

Бу анжуманнинг Тошкентда ўтаётганлиги болалар жарроҳлиги соҳасида тер тўкаётган олимларимизнинг илмий ишлари иттифоқ миқёсида тан олинаётганлигидан дарак беради.

Ж. БЕКНАЗАРОВ.

«Главташкентстрой»нинг медицина-санитария бирлашмаси коллективи қурувчилар саломатлигини сақлаш борасида бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Тажрибали врачлар беморлар тез вақт ичида соғайиб кетишлари учун бор куч ва билимларини ишга солишяпти. Бирлашманинг клиник лабораторияси коллективи қурувчилар саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда. Бу ерда 5 та малакали врач ва 15 та лаборант беморлар хизматида.

СУРАТДА: (чапдан. ўнгга) врач-лаборант Лидия Петровна Людвиг ва лаборатория мудири Эдие Серверовна Гемиджи.

И. Тўлисбоев фотоси.



● Бу—қизиқ

30 ЙИЛДАН БЕРИ УХЛАМАЙДИ

Мадрид яқинидаги Сеговия шаҳарчасида истиқомат қилувчи Хесус Фрутос Сеновилья қарийб 30 йилдан буён ухламайди. Хесус ўн тўққиз ёшга кирганда уйқуси бузила бошлади. Кунлар ўтган сари у бора-бора кам ухлайдиган бўлиб қолди ва 1955 йилдан бошлаб уйқусидан асар ҳам қолмади. Бу ҳолга шифокорлар қизиқиб қолишди. Улар бедор йигитни даволаш учун зарур дори-дармонлар ёзиб беришди. Аммо шифокорларнинг уринишлари зое кетди. Орадан уч ўн йиллик вақт ўтса-да, Хесус бирор марта ухламади.

Шуниси қизиқки, у узоқ йиллар мобайнида ухламаса ҳам ўзини жуда яхши ҳис қилади, қувватсизлик, толиқиш аломатларини сезгани йўқ, у ўз хўжалигида кўп ишлайди.

Одатига кўра, ҳар куни кечқурун «ҳамма каби» ётади, фақат ухламайди — ўқийди, радио эшитади. Эрталаб туради, яна кун бўйи меҳнат қилади.

Яқинда у яшайдиган шаҳардаги спорт залида 48 соатли футбол турнири ташкил этилди. Ўйинлар бирин-кетин, танаффуссиз ўтказилади. Ўйинчилар алмаштириб турилди: ўйнашди, дам олишди, ухлашди, яна ўйнашди — мусобақа кечасию кундузи тинмай давом этди. Судьялардан ҳам бирининг ўрнига бошқаси майдонга тушиб турди, ишқибозлар ҳам шундай қилишди. Фақат бир киши трибунада 48 соат узлуксиз ўтирди ва ҳамма ўйинларни ҳеч зерикмай томоша қилди. Бу ўша Сеновилья эди.

„ТО" спорт ҳафтаси

ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

● Сиртқи «Дўстлик» шахмат матчида 1:0 ҳисобида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газетхонлари олдинда боришмоқда.

● Оқшомхонлар оқ доналарни сураётган иккинчи тахтада вазият кескинлашди. Ҳар бир юриш учрашув тақдирини ҳал қилиши мумкин.

Ўтган чоршанба куни, яъни 11 апрелда газетамизда «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газетхонлари ўртасидаги сиртқи шахмат матчининг иккинчи тахтасида олмаоталикларнинг жавоб юриши эълон қилинган эди. Улар b7 катагида турган қора отни e5 катагига юришган эди. Шундан кейин оқ доналарда ўйнаётган тошкентлик шахмат мухлислари навбатдаги 30-юришни эълон қилишлари лозим эди.

Ўйлаш учун ажратилган бир ҳафта муддат ўтди. Навбатдаги юриш ҳақида фикр ва мулоҳазалар битилган кўплаб хатлар олдик. Газетхонларнинг кўпчилиги b7 катагида турган филни d5 катагига юриш керак деган фикрни билдиришди. Жумладан, А. Сенчук, В. Орипов, Сергели район шахмат клубининг аъзолари, З. Арфеев, П. Ли, В. Осипов, Д. Шокиров, И. Зокиров, З. Мирсалимов, В. Офицеров, В. Костин ва бошқалар шундай фикр билдиришган. Бу юриш «Камалак» шахмат клуби томонидан тўғри деб тасдиқланди ва олмаоталик шахмат мухлисларига маълум қилинди.

Бирон сабабга кўра баҳсда иштирок этолмай қолган мухлислар учун иккинчи тахтада қилинган юришларни эслатиб ўтамиз. 1. d4d5 2. c4dc 3. Kf3 Kf6 4. e3 Cg4 5. C:c4 e6 6. h3 Ch5 7. Kc3 a6 8. g4 Cg6. 9. Ke5 Kd7 10. K:g6 hg 11. Фf3 Kc6 12. a3 Kb6 13. Ca2 Фd7 14. Cd2 0—0—0 15. 0—0—0 Ka5 16. Kpbl Kac4 17. Ccl Kpb8 18. e4 Фc6 19. Лd3f6 20. h4 Ce7 21. h5g5 22. Лhdl Лd7 23. Фe2 e5 24. d5ed 25. K:d5 K:d5 26. Лd5 Kb6 27. Л:d7 K:d7 28. Cd5 Фb6 29. C:b7 Ke5 30. Cb7—d5



Шундай қилиб, бу партияда юриш навбати олмаоталикларга келди. Ҳурматли газетхонлар, сизлар эса сиртқи шахмат матчи қандай бораётганлиги ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг.

Бизнинг адресимиз: 700047, Тошкент шаҳри, ГСП. Ленинград кўчаси, 32. «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Ўз фикр ва мулоҳазаларингизни 33-08-74, 32-55-32 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

Фақат ғалаба зарур

«Бинокор» командасининг ўтиш турнирида ўтказган тўрт учрашувни таҳлил қилишдан олдин газетхонларнинг эътиборини икки муҳим нарсага жалб қилмоқчимиз.

Тошкентлик хоккейчилар навбатдаги учрашув олдидан Калинин шаҳридаги спорт саройига боришганида минбарларда жуда кўп мухлисларни кўришди. Спорт саройида турнир жадвали, ўтиш турнирида иштирок этаётган командаларнинг зонал турнирларида эришган натижалари махсус стендга осиб қўйилган эди. Шунингдек, тўрт саҳифадан иборат программа чиқарилган, Рязань шаҳри билан телефон алоқаси ўрнатилган эди. Шу куни «Станкостроитель» Барнаул шаҳрининг «Мотор» командасини қабул қилаётган эди.

Тошкентда бундай бўлмади. Ҳатто команда учрашувни қачон ўтказиши ҳақидаги эълон ҳам чиқмади. Шу боисдан ҳам томошага келган мухлислар жуда кам эди.

Хўш, бунинг сабаби нимада! Эҳтимол, команда учун вужудга келган ҳозирги оғир дақиқаларда «Бинокор»га эътибор бермай қўйишгандир! Бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки команда ҳозир кўтаринки руҳда ўйнамоқда. Ўз зонасида биринчи ўринни эгаллади. Унинг составида Тошкент хоккей мактабида тарбияланган олти спортчи майдонга чиқмоқда.

Энди сафарда ўтказилган учрашувлар ҳақида тўхталайлик. Рязань шаҳрининг «Станкостроитель» клуби «Химик» командасининг ўйинчилари билан тўлдирилган эди. Команда олдига биринчи лигага чиқиш вазифаси қўйилган. Рязанликлар бу вазифани деярли уддалаб қўйишди. Яна бир нарса, команда майдони очиқ жойда жойлашган. Тошкентликлар айрим дақиқаларда устунликка эга бўлишларига қарамасдан шароит туфайли имкониятлардан фойдалана олмадилар. Шу туфайли «Бинокор» 1:3 ҳисобида мағлубиятга учради.

Тошкентликлар Калинин шаҳрига барвақт етиб келишди. Бу команда составида собиқ москвалик армиячи Александр Лобанов ҳам майдонга чиқди. У бошқаларга ибрат кўрсатди. «Бинокор» бу сафар ҳам 4:6 ҳисобида имкониятни бой берди.

Челябинск шаҳрининг «Металлург» командаси билан ўтказилган учрашувда ҳам тошкентликлар яхши ўйин кўрсата олмадилар. Тўғри, рақиб команда составида олий лигада иштирок этаётган «Трактор» командасининг собиқ ўйинчилари Михаил Природин, Валерий Белоусов, Владимир Лапшин, Николай Макаровларнинг иштирок этиши жуда катта гап эди. Шунга қарамай, бинокорчилар майдонда чиройли ўйин кўрсатиш, учрашув тақдирини ўз фойдаларига ҳал қилишга уриниб кўришди. Аммо майдонда маҳорат устун келди. Бу сафар ҳам 4:6 ҳисоби қайд этилди.

Қарағанда шаҳрининг «Автомобилист» командаси билан бўлган учрашувда эса тошкентликлар 2:1 ҳисобида ғалабага эришиб, олти кучли коллектив ўртасида ўтказилаётган турнирда дастлабки икки очконни қўлга киритишди.

П. ФОЗИЛОВ.

СПОРТ КУНДАЛИГИ

● Шайбали хоккей бўйича иккинчи лига мамлакат биринчилигининг энг кучли олти коллективи ўтиш турнири баҳсларини давом эттиришмоқда. Тошкентнинг «Бинокор» командаси навбатдаги учрашувни Барнаул шаҳрида маҳаллий «Мотор» командаси билан ўтказиб, 6:4 ҳисобида ғалабага эришди. Тошкентлик хоккейчилар мавқеларини анча яхшилаб олдилар.

● Ленинградда биринчи Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари баҳслари давом этмоқда. Бу ерда республикамиз шарафини тошкентлик қизлардан ташкил этилган баскетбол командаси ҳимоя қиляпти. Ҳамшаҳарларимиз биринчи учрашувда тожикистонлик дугоналарини 84:55 ҳисобида енгишди. Қозоғистонлик қизларни 74:73 ҳисобида мағлубиятга учратиб, литвалик тенгдошларига 41:42 ҳисобида бой беришди.

(Газетанинг навбатдаги сони 19 апрелда чиқади).

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

ҲУРМАТЛИ КИНОТОМОШАБИНЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

СИЗЛАРНИ ЯНГИ ИККИ СЕРИЯЛИ

«ҒАЛАБА»

БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ТОМОША ҚИЛИШГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Сценарий муаллифлари —В. ТРУНИН, Е. МАТВЕЕВ. Режиссёр — Е. МАТВЕЕВ.

Ролларда: А. МИХАЙЛОВ, А. МИРОНОВ, Г. МЕНГЛЕТ ва бошқалар.

Фильм асосида икки тарихий воқеа: — уч буюк давлат — СССР, Англия, АҚШ ҳукумат бошлиқларининг 1945 йилги Потсдам конференцияси ва 1975 йили Хельсинкида Европа ҳамкорлигига бағишлаб ўтказилган кенгаш ётади. Бу икки во-



қеа фильм бош қаҳрамони — совет журналистик Воронин кўз олдидан ўтади.

Фильмни «МОСФИЛЬМ» (СССР) **ва «ДЭФА»** (ГДР) **киностудиялари ҳамкорликда яратган.**

МАЗКУР КАРТИНАНИ ҚУЙИДАГИ КИНОТЕАТРЛАРДА ТОМОША ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

«САНЪАТ САРОЙИ», «ЧАЙКА», «ВАТАН», «НУКУС», «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «ТРАКТОРНИЙ».

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИНИНГ

10-ЎРТА-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1985-86 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭРКАКЛАР УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, ХОТИН-ҚИЗЛАР УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЕНГИЛ ҚУЙЛАКЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, МУРАККАБ РЎЗҒОР ТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА (совутиш қурилмалари) СЛЕСАРЬ, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ ФОТОГРАФ, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ САРТАРОШ, ОШПАЗ, ҚАНДОЛАТЧИ.

Юқоридаги ихтисослар бўйича ўқиш муддати — 3 йил. Бу ихтисослар бўйича 8-синф ҳажмида маълумоти бор бўлганлар қабул қилинадилар.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЕНГИЛ ҚУЙЛАКЛАРИНИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ТИКУВЧИ УСТА, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ САРТАРОШ (ўқиш муддати 1,5 йил); **КЕНГ ПРОФИЛДАГИ ФОТОГРАФ, ОШПАЗ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ, ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКАСИ** (ўқиш муддати 1 йил).

Юқоридаги ихтисослар бўйича ўқишга ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

Билим юртига 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар ҳар куни 3 маҳал бепул овқат, иш кийими ва дам олиш кунлари учун мўлжалланган кийимлар билан таъминланадилар. Ўларга ўқишни тугатганларидан сўнг ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган ихтисослари бўйича 5-разряд берилганлиги ҳақида диплом берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА МАЪЛУМОТ БИЛАН КИРГАНЛАР СТИПЕНДИЯ ВА КИЙИМ-БОШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтиб келганларга биринчи разрядли ишчининг меҳнат ҳақи ҳажмида стипендия тўланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, техника ижоди ва спорт секциялари ишлайди.

Кирувчилар билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт; маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, таржиман ҳоли, турар-жойидан справка 286-формадаги медицина справкаси, отаси ёки онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 1/2-«Қорақамиш» массиви, 20-уй (42, 93-автобуслар; 10, 27-трамвайлар; 19, 56-маршрут таксиларининг «Мактаб» бекати, 7, 10-троллейбусларнинг «1/2-«Қорақамиш» массиви» бекати).

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

1—Спутник турар жой массиви, Ц-3 квартали, 9-уй —соат 8.00 дан 20.00 гача, танаффус —14.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунисиз;

2— Спутник турар жой массиви, 6-квартал, 39-уй— соат 9.00 дан 20.00 гача, танаффус —14.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунисиз;

3—Полевая кўчаси, 54-уй — соат 8.00 дан 20.00 гача танаффус —14.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунисиз;

3/2—Гагарин посёлкаси — соат 8.00 дан 20.00 гача, танаффус —14.00 дан 15.00 гача;

4—Спутник турар жой массиви, 16-квартал — соат 8.00 дан 20.00 гача, танаффус — 14.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунисиз;

5—Чоштепа кўчаси, 33-уй — соат 8.00 дан 20.00 гача, танаффус — 15.00 дан 16.00 гача, дам олиш кунисиз;

6— Восточная кўчаси, 1-«а» уй — соат 8.00 дан 20.00 гача, танаффус — 14.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунисиз;

7— Эркин посёлкаси —соат 9.00 дан 21.00 гача, танаффус —14.00 дан 15.00 гача;

8— Чоштепа кўчаси, 287-уй —соат 8.00 дан 20.00 гача, танаффус— 14.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунисиз;

9— Сергели —2, иш соати 8.00 дан 20.00 гача, танаффус — 14.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунисиз;

10—Чоштепа кўчаси; 140-уй— соат 8.00 дан 20.00 гача, танаффус —14.00 дан 15.00 гача дам олиш кунисиз;

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИНИНГ ЯНГИ ИШ ТАРТИБИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

10/1 —Прохладний тупиги. Магазин соат 9.00 дан 20.00 гача ишлайди, танаффус — 14.00 дан 15.00 гача, дам олиш куни —якшанба;

11— Спутник массиви, 11-квартал, 57-уй — соат 8.00 дан 20.00 гача, танаффус — 14.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунисиз;

12— Спутник массиви 5-квартал, 30-уй — соат 9.00 дан 21.00 гача, танаффус 14.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунисиз;

13— Спутник массиви, 69-уй — соат 8.00 дан 20.00 гача, танаффус — 13.00 дан 14.00 гача, дам олиш кунисиз;

14— Заречная кўчаси, 71-уй — соат 8.00 дан 20.00 гача, танаффус —13.00 дан 14.00 гача, дам олиш кунисиз;

16— Авиасозлар шаҳарчаси, 6-уй —соат 8.00 дан 20.00 гача, танаффус — соат 14.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунисиз;

17—Абрикос кўчаси, 320-уй— соат 9.00 дан 19.00 гача, танаффус —13.00 дан 14.00 гача, дам олиш куни —сешанба;

18— Саноат зонаси, 100- уй—соат 8.00 дан 20.00 гача, танаффус —14.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунисиз;

20— Спутник, Ц-3 квартали— соат 8.00 дан 20.00 гача танаффус —13.00 дан 14.00 гача, дам олиш кунисиз;

23—3-Сергели, 28-уй, иш соати 8.00 дан 20.00 гача танаффус 13.00 дан 14.00 гача, дам олиш кунисиз;

26— Қўйлиқ-5«б», 114-уй —соат 8.00 дан 21.00 гача, танаффус — 14.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунисиз;

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ (телефон 58-36-29).

САРАТОН ЖАЗИРАМАСИДА БИР ПИЁЛА КЎК ЧОЙ ЛАЗЗАТИ!

БУ ХУШБЎЙ ВА ЕҚИМЛИ ИЧИМЛИК ТАШНАЛИКНИ ҚОНДИРАДИ, КИШИНИНГ РУҲИНИ ВА КАЙФИЯТИНИ КЎТАРАДИ, БАРДАМ-БАҚУВВАТ ҚИЛАДИ.

БУ ЧОЙНИНГ ТАРКИБИДА ТАЛАЙ ФОЙДАЛИ МОДДАЛАР— витаминлар, эфир мойи, кофеин, танин бор. Ундаги С витамини қора чойга нисбатан 10 марта мўлдир!

200 ВА 300 ГРАММЛИ ҲОЛДА ҚАДОҚЛАНГАН 110 РАҚАМЛИ ВА 1-НАВЛИ КЎК ЧОЙ АСЛ ҲИСОБЛАНАДИ.

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИ

КЎК ЧОЙЛАРНИ ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ.

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ (телефон 78-87-23).



ЭЛЕКТРОНИКА

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ

«ЭЛЕКТРОНИКА ОПУ-20» ҚУРИЛМАСИНИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТАДИ.

БУ ҚУРИЛМА КОРХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА АСОСИЙ ПУЛЬТ ВА ЙИГИРМАТА АБОНЕНТ АППАРАТИ БИЛАН АЛОҚА ЎРНАТИШДА РАВОН ГАПЛАШИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН.

Алоқа ҳаракат радиуси —3 км гача.

Магазин адреси: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон 33-68-60.

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ.

ЯНГИ КИТОБЛАР ОЛАСИЗ!

Агарда сиз открыткаларни тўлдириб, олдиндан буюртма берсангиз
яқин кунларда нашр этиладиган

МАХСУС АДАБИЁТЛАР —

ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, илмий-техникавий, ўқув-педагогик китобларни

КАМ ВАҚТ САРФЛАГАН ҲОЛДА ТЕЗ ОЛАСИЗ!

Почта открыткасининг ўнг томонида ўзингизнинг адресингиз, фамилиянгиз, инициалларингиз открытканинг орқа томонида эса китобнинг аниқ библиографик маълумотлари: муаллифи, номи, нашриёти ва сизга керак бўладиган нусха миқдори ёзилиши лозим.

Марказий ва республика нашриётлари адабиётлар чиқариш аннотацияли тематик планларида китоблар ҳақида керакли маълумотларни ўқиб олиш мумкин. Бундай планлар ҳар йили баҳор фаслида китоб магазинларига келиб туради.

Тўлдирилган открытка буюртмалар қабул қилаётган китоб магазини ходимига топширилади. Олинган китоблар ҳақида магазин сизга хабар юборади.

Айрим ҳолларда буюртмани шартли равишда ҳам қабул қилинади. Чунки буюртманинг бажарилиши магазинга китобларнинг келишига боғлиқдир.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ (телефон 33-35-65).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ЧОРШАНБА

17 АПРЕЛЬ

● МТ I

18.00 С. Орехов чалади (гитара).
18.20 «Табиатнинг дўстига айланиш учун». Кўрсатувда РСФСР Ўрмон хўжалиги министрининг ўринбосари Р. В. Бобров иштирок этади.
18.55 Стратегик мақсадлардаги ракета қўшинлари ҳақида ҳужжатли фильм премьераси. «СССР Қуролли Кучлари» туркумидан.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.05 В. Кунченко куйлайди.
20.15 «Лаҳзаларни тўхтатмай». Илмий-оммабоп фильм.
20.25 Х. Луйк. «Хайрли соатда». Телеспектакль.
21.30 «Время».
22.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». М. Луконин поэзияси.
22.30 «Генетиклар, нималар устида ишлаяпсиз?» Илмий-оммабоп фильм.
22.50 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — АҚШ терма командалари. 2-ва 3-даврлар. ЧССР дан олиб кўрсатилади.
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Қишлоқ янгиликлари».
19.50 «Инерция пайти» Илмий-оммабоп фильм.
20.00 «Шахмат мактаби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Севги қўшиқлари». Фильм-концерт.
21.30 «Время».
22.05 «Июлда ёққан қор». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.10 «Бўлғуси кашфиётга шарҳ». Илмий-оммабоп фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сирли қуш», «Дўстлар». Мультфильмлар.
18.40 Янгийўл шаҳар 1-болалар музика мактаби тарбияланувчиларининг концерти.
19.00 «Ичкиликка қарши курашайлик». Кинопрограмма.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Театр учрашувлари».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Совет Ўзбекистони композиторлари». М. Бурхонов.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап? Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Совет Ўзбекистони композиторлари». М. Бурхонов (давоми).
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Жиноят ҳуқуқи.
18.50 «Денгиз орзуси». Телефильм.
19.10 Ўқитувчи экрани. Муқимий ижодини ўрганиш.
19.40 «Алоҳида чегара». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Бурчга садоқат...»
20.50 «Этюд». Телефильм.
21.00 «Енғиндан эҳтиёт бўлинг» (рус.)

ПАЙШАНБА

18 АПРЕЛЬ

● МТІ

9.00 «Время».
9.40 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССРда хизмат кўрсатган синовчи-учувчи С. Н. Анохин билан учрашуви.
10.25 «Ҳайвонот оламида».
11.25 Мультфильмлар: «Столни қандай қилиб ташиб келтиришди», «Ваня борарди» картинаси».
11.40 «Қалбга яқин қўшиқлар».
12.10 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар: «Аттомаш —XXI асрга йўл», «Резервлар».
15.55 «Моҳир қўллар».
16.25 «И. Бржевская куйлайди». Фильм-концерт.
16.40 Алкоголизм зарари ҳақида илмий-оммабоп фильмлар: «Алкоголь ва меҳнат», «Тасодифми?», «Фақат бир рюмка».
16.55 Виолончелистлар ансамбли чалади.
17.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.55 «Миллионлар ленинча университети».
18.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Швейцария — СССР терма командалари. 2-тайм. Швейцариядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Халқ куйлари янграйди.
19.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Солдат отаси». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финляндия — СССР терма командалари. ЧССРдан олиб кўрастилади. Танаффус пайтида (23.35)— «Дунё воқеалари».
00.35 Оқшом тароналари.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Дадам автомобиль сотиб олди». Телефильм.
9.35, 10.35 Умумий биология. Экологик системалар.
11.05 В. В. Маяковский. «Мен кашф этган Америка».
11.35, 12.40 Физика. 9-синф. Электромагнетизм қонунлари ва уларнинг қўлланилиши.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.10 Зоология. 7-синф. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари.
14.05 Ж. Рид. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
14.50 «Нина». Бадиий фильм, субтитир билан.
16.10 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Мерцишор-85» Бутуниттифоқ музика фестивалининг якунловчи концерти. Кишинёвдан олиб кўрсатилади.
19.35 МУРМАНСК ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «А. Ильченко кемалари». Ҳужжатли фильм.
21.00 «Онамларнинг мактаби».
21.30 «Время».
22.05 «Июлда ёққан қор». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Рассом ва ойна». Телефильм.
10.35 «Кенжа қиз». Республика Қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.30 ЎзССР тарихи. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши (рус).
12.00 «Киев ҳақида табассум билан». Телефильм.
12.30 ЎзССР тарихи. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
19.05 «Интизом — умумхалқ иши» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Эртага — премьера». «Ғалаба» бадиий фильмининг Бутуниттифоқ премьераси ҳақида (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қўзилатиш кампанияси — чорвадорлар учун масъулиятли давр».
22.25 Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати А. Ориповнинг ижодий кечаси.
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ж. Рид. «Дунёни титратган ўн кун».
19.30 Реклама.
19.40 «Ким бўлиб етишасиз?» Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги га. «Туғилган куннинг билан, қадрдон армиям!» (такрорий).
21.05 «Халқ назоратчилари» (рус.).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/IV да **Тўмарис**, 18/IV да **Фидойилар**, 19/IV да **Икки дил достони**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/IV да **Ғийбат**, 18/IV да **Парвона**, 19/IV да **Отелло**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/IV да **Олифта**, 18/IV да **Узилган торлар**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —**Тошкентда биринчи марта, Р. АКОПЯН иштирокида «Цирк, цирк, цирк!» программаси** (19.30).

КИНО

17 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАДРДОН УМРАО» — **Санъат саройи** (катта залда, 11.00, 13.30, 14.00, телефон 44-21-44).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Санъат саройи** (кичик залда 17.00, 19.30).

«АФРИКАЛИК» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20); **Қозоғистон** (17.05, 18.00, 20.00, 21.00, телефон 35-24-92); **Ватан** (тоқ соатларда); **Москва** (тоқ соатларда); **Восток** (18.30, 20.00, 21.30).

«ТУТСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83); **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (18.30, 21.00), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (телефон 78-47-25), **Ҳамза номли** (18.30).

«ПЕШҚАДАМ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-11-59).

«ХОЛИС НИЯТЛАР» — **Дружба** (жуфт соатларда).

«АЗИЗ, ҚАДРДОН, СЕВИМЛИ ТАНҲОГИНАМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-11-75).

«ЭКИПАЖ» — **К. Ерматов номли** (17, 20.00; телефон 14-22-66).

18 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАДРДОН УМРАО» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 14.00, телефон 44-21-44).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Санъат саройи** (кичик залда 12, 14.30, 17, 19.30).

«АФРИКАЛИК» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-60-20), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 16, 18, 20.00 21.00, телефон 91-13-74).

«ТУТСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда телефон 33-41-83); **ЎзССР 25 йиллиги номли** (11, 13.30 16, 18.30, 21.00); **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Ҳамза номли** (11, 13.30, 14.00 18.30).

«ПЕШҚАДАМ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-11-59).

«ХОЛИС НИЯТЛАР» — **Дружба** (жуфт соатларда).

«АЗИЗ, ҚАДРДАН, СЕВИКЛИ ТАНҲОГИНАМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-11-76).

«Главташкентстрой»
«Строймеханизация» трестининг
2-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

минорали кран, автокран **машинистлари**; 1, 2, 3-классли ҳайдовчилар, К-700 маркали тракторларни ҳайдаш учун **тракторчилар, токарлар, фрезерчилар, газ-электр пайвандчилар, электр пайвандчилар** ва минорали кранлар ремонти ва монтажи бўйича **слесарлар, йўл монтёрлари**, минорали кранлар ремонти ва эксплуатацияси бўйича **мастерлар** ва **механиклар, прораблар:** автомобиль транспорти участкаси, техника назорати хизмати.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона, аҳолини ишга жойлаштириш бўйича марказий пункт.

Республика ишлаб чиқариш автомобиль трестининг
ҲУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ
30-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА
меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг катта инженери, инженер-экономист, катта диспетчер, эксплуатация бўлимининг бошлиғи, 5, 6 разрядли автослесарлар, мотористлар, аккумуляторчилар, вулканизаторчилар, мисгар, токарь, газ-электр пайвандчилар
Иш ҳақи — вақтбай-мукофотли.

Иш жойи ва яшаб турилган ерга корхона автотранспорти олиб бориб қўяди.

Мурожаат учун адрес: Авангард посёлкаси («Ўртасарой-Қўйлиқ», «Северний маяк-Қўйлиқ» автобусларининг «ХАТП-30» бекати).



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ **(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)**

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12200. **1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.**